Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

14 СЕНТЯБРЬ, 1982 ЙИЛ, СЕШАНБА № 209 (2.615). Баҳоси 3 тийин.

60 СССР ЙИЛЛИГИГА ЗАРБДОР ҲАФТАЛИКЛАР

СССРнинг 60 йиллик юбилейига ажойиб меҳнат совғалари тайёрлаш ниятида совет кишисига хос фидокорлик кўрсатаётган пахтакор ва чорвадорларимиз, сабзавоткор ва соҳибкорларимиз, серқуёш республикамизнинг барча меҳнаткашлари олтин кузнинг олтин дақиқаларидан унумли фойдаланмоқдалар.

Шонли юбилей шарафига 13 сентябрдан бошланган қирқ бешинчи зарбдор ҳафталик нефть ва газ қўриқларини забт этаётган марди-майдонларга бағишланади.

КОРХОНАНИНГ АГРАР ЦЕХИ

Мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан имкони борича қисқароқ муддатларда пухта равишда таъминлаш —иқтисодий вазифагина бўлиб қолмай, шу билан бирга жуда зарур социал-сиёсий вазифа ҳамдир. Бу вазифани ҳал этишда саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари катта роль ўйнаши мумкин.

Уртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумидаги докладида бундай деб уқтирди: «Корхоналар ёрдамчи хўжаликларининг имкониятларидан ҳам тўлиқроқ фойдаланиш мумкин бўлур эди. Бундай хўжаликларни юритишга қодир бўлган ҳар бир саноат корхонаси, ҳар бир ташкилот одатда ёрдамчи хўжаликка эга бўлиши керак. Шу мақсадда саноат корхоналари ва ташкилотларга зарур қишлоқ хўжалик экин майдонларини ажратиб бериш лозим».

Инсоннинг кайфияти, бинобарин унинг меҳнат унумдорлиги ҳам ишчилар ошхонаси, меҳнатчининг оиласи, завод дам олиш базаси дастурхонидаги ноз-неъматларнинг нақадар хилма-хиллигига боғлиқ бўлади. Буни, масалан, «Нижнекамскнефтехим» ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарлари яхши тушунадилар. Бу ердаги ёрдамчи хўжалик ҳар бир ишловчи ҳисобига 18 килограмм гўшт етиштириб бермоқда, беш йиллик охирига борганда бу кўрсаткич 56 килограммга етказилади. Могилев областидаги ўнлаб корхоналарнинг «гўшт цехлари» муваффақиятли ишлаб турибди. Уларнинг тажрибаси ишни ташкил этиш методлари билан диққатга сазовордир. Чунончи, башарти корхоналар мустақил равишда ёрдамчи хўжалик ташкил этишга қурби етмаса, улар шериклик асосида, бир неча коллективлар иштирокида шундай хўжаликларни ташкил этмоқдалар.

Ҳозир мамлакатдаги 19 мингтадан кўпроқ корхонанинг аграр цехи бор, аммо озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш умумий ҳажмида уларнинг салмоғи ҳозирча катта эмас. Ҳамма жойда ҳам ташландиқ ерлардан, саноат ишлаб чиқаришида ҳосил бўладиган иссиқликдан, озиқ-овқат чиқиндиларидан манфаат келтирадиган тарзда фойдаланишни ўрганиб олганлари йўқ. Корхонанинг ёрдамчи хўжалигини ортиқча юк, деб ёки унчалик эътибор бермаса ҳам бўладиган иккинчи даражали иш, деб муносабатда бўлиш салбий таъсир қилмоқда. Шу сабабли химия, автомобиль саноати, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарининг учдан икки қисмига яқинида мутлақо ёрдамчи хўжаликлар йўқ.

Маҳаллий партия ва касаба союз комитетлари ёрдамчи хўжаликлар ишини такомиллаштириш соҳасидаги ташаббусни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашлари, аграр цехларга эътиборсизлик билан қараётган хўжалик раҳбарларидан қатъиқ жавоб талаб қилишлари керак. Шундай цехларни ривожлантириш билан боғлиқ тадбирлар коллектив шартномаларга, коллективларни социал ривожлантириш планларига киритилган корхоналарнинг тажрибасини маъқулласа арзийди. Бундай иш аграр цехларни тузиш ва ривожлантириш устидан контроллик қилишга кўмаклашади.

Шу билан бирга ҳамма нарса ҳам корхоналарнинг раҳбарларига боғлиқ бўлавермайди. Ёрдамчи хўжаликлар йўлида ҳали кўпдан-кўп тўсиқлар турибди. Саноат корхоналарида қишлоқ хўжалик анжомларининг, фермалар учун керакли асбоб-ускуналарнинг, материаллар, ўғит ва ёш молларнинг етишмаслиги энг ўткир проблемаларнинг бири деса бўлади. Мана шуларнинг ҳаммасини қаердан олиш керак! Ленинградликлар бу саволга жавоб топишди. Бир неча йилдан бери бу ерда ёрдамчи хўжаликларда ва аҳолига ёш мол ҳамда жўжа етказиб бериш юзасидан «Птицепром» трестига, «Новий свет» совхозлар бирлашмасига топшириқлар белгилаб қўйилмоқда. Хўжаликларни қишлоқ хўжалик машиналари, фермалар учун технология асбоб-ускуналари билан таъминлаш масалалари марказлаштирилган тартибда ҳал этилди. Шу машина ва асбоб-ускуналарга талабномалар «Госкомсельхозтехника» область бошқармасининг буюртмасига қўшилади ва қайси идорага қарашли бўлишидан қатъий назар қондирилади. Ёрдамчи хўжаликларга ёрдам тариқасида ўғит, сифатли уруғлик ажратиб берилади.

Бироқ, кўпинча маҳаллий совет органлари ҳам, «Госкомсельхозтехника» ҳам, мелиораторлар ҳам корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларига унчалик эътибор бераётганлари йўқ. Планларда заводларнинг аграр цехлари учун ресурслар кўзда тутилмаяпти. Бу цехлар аниқ ривожланиш истиқболига эга бўлиши учун уларга аниқ мақсадга хизмат қиладиган зарур асбоб-ускуна ва машиналар ажратиб берилиши лозим.

Ёрдамчи хўжаликлар учун ем-хашак тўғрисидаги масала ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Аммо бу ўринда ҳам ҳар қандай ҳолатда илож топиш мумкинлигини кўрсатувчи кўпгина тажриба орттирилган. Бир неча йил муқаддам Находкадаги иккинчи йирик панелли уйсозлик трестида ферма ташкил этилганда ем-хашакни яқин атрофдаги хўжаликлардан қиммат баҳо билан сотиб олар эдилар. Шунда ҳар қуни минтга яқин киши овқатланадиган ошхонанинг озиқ-овқат чиқитларини эсга олишди. Шаҳар умумий овқатланиш трести гўштнинг бир қисмини умумий қозонга топшириш шарти билан шу чиқиндиларни фермага топширишга розилик берди. Трестнинг уй-жой, коммунал конторасига ишчилар ётоқхоналарида озиқ-овқат чиқиндилари йиғиладиган идишлар қўйилиши топширилди. Бир неча юк машинаси қайта ускуналаниб, шу чиқиндиларни фермага келтиришга мослаштирилди. Бу ишлар дарҳол натижа берабошлади. Ошхонадаги тушлик овқатга берилгандан ташқари трестнинг ҳар бир ишчисига ўрта ҳисобда 16 килограммдан кўпроқ қўшимча гўшт олинмоқда. Трестнинг аграр цехи рентабел ишлай бошлади. Бундан ташқари қурувчиларнинг шаҳсий ёрдамчи хўжаликларида боқиш учун уларга 500 бош чўчқа боласи сотилди. Резервлар борлиги кўриниб турибди, фақат улардан оқилкорлик билан фойдаланиш керак.

Ёрдамчи хўжаликларни ривожлантиришда маҳаллий совет органларининг бу ишга эътибор беришига кўп нарса боғлиқ бўлади. Улар аграр цехлари учун имкони борича, ишлаб чиқаришга яқин жойдан саноат корхоналарига ўз вақтида ер ажратиб беришлари, турли заводларнинг ёрдамчи хўжаликларининг ривожланишини мувофиқлаштириб туришлари лозим. Бир жойнинг ўзидан бир неча корхона учун бирданига ер участкалари ажратиб берилиши, электр, иссиқлик ва сув таъминотини, йўл қурилишини камроқ чиқим қилиб, яхшироқ ташкил этиш имконини беради.

Баъзи йирик корхоналарда, аввало дам олиш базаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга мўлжалланган ёрдамчи хўжаликлар тузилаётганлиги яхши. Бу жойларда дам олувчи кишилар қишлоқ цехларининг меҳнатчиларига ихтиёрий равишда бажонидил ёрдам берадилар. Бундай ижтимоий фойдали иш тўла қонли дам олишга ҳалақит бермайди, аксинча дам олишни кўнгилли ва мароқли қилади. Бу тажриба жиддий диққат-эътиборга сазовордир. Озиқ-овқат программасида ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишда ёрдамчи хўжаликларнинг роли ортаберади. Шу сабабли партия, совет, касаба союз комитетлари, хўжалик раҳбарлари заводларнинг аграр цехларини ривожлантиришга доимо эътибор беришлари зарур. Чунки бу катта иш совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш, меҳнат коллективларининг барқарорлигини ошириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш билан бевосита боғланган.

(«ПРАВДА» газетасининг 13 сентябрдаги бош мақоласи).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЕШҚАДАМЛАР САФИ ЯНАДА КЕНГАЯВЕРСИН

13 сентябргача республика бўйича 626.047 тонна, шу жумладан ўтган куни 88.227 тонна «оқ олтин» тайёрланди. Машиналар ёрдамида бир кунда 13.448 тонна, мавсум бошидан буён эса 36.782 тонна дурдона териб олинди. Мавсум бошидан буён 35.478 тонна, шу жумладан бир кунда 4.581 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

13 сентябрь куни пахтазорларда 592 самолёт ва 2.383 ер аппарати ишлатилди. Шу кунгача 1.684,1 минг гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинди.

Сурхондарё

Шеробод районидаги **В. Қодиров номли совхоздан Равшан Яхшиқулов ва Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоздан Хўжамқул Рустамов бошлиқ бригадалар йиллик планни бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.** Бу коллективларнинг заршуносларининг ҳар гектар ердан тегишли равишда 20 ва 35 центнердан ингичка толали пахта ҳосили териб олдилар.

Областда машина терими суръати кун сайин ошиб борянти. Кўплаб дала гвардиячилари бир неча ўн тоннадан хом ашё теришга эришдилар. **Ленин йўли районидаги Қосим Раҳимов номли совхоз механик-ҳайдовчиси Раҳимберди Жаҳонгиров ва Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхози механизатори Очил Қобулов кунига 15—17 тоннадан пахта теришмоқда.** Бу механизаторларнинг ҳар бири мавсум бошидан буён 100 тоннадан ошириб пахта теришга эришди.

Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоздан **Холмўмин ва Чори Сафаровлар экипажи 200 тоннадан знёд хом ашё терди.** Сафаровлар мавсум охиригача 900 тонна пахта териш мажбуриятини олишган.

Оллоберди ва Ашур Хўжаёровлар «зангори кема» бункеридан 300 тоннадан знёд хом ашё бўшатишди. Бу оилавий экипаж мавсумда 1.000 тонна «оқ олтин» теришни кўзламоқда.

Хоразм

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозда теримнинг дастлабки кунларидаёқ механизаторлар **Давлат Очилов, Мадраим Собиров ва Одамбой Нуразизовлар ўртасида меҳнат беллашуви қизғин тус олди.** Механизаторларнинг ҳар бири бункерлардан кунига 8—9 тоннадан турдона бўшатмоқдалар.

Сирдарё

Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг пешқадам теримчиси Ширингул **Тўймуродова область кўпмингкилограммчилари г а карвонбошилик қилмоқда.** У мавсумда 5,5 тонна дурдона терди. Ширингул мавсум охиригача 15 тонна, унинг мусобақадош дугонаси Қантум Расулова эса 13 тонна «оқ олтин» теришга қарор қилди.

Тошкент

Пискент районида **пахтакорларга оператив медицина ёрдами кўрсатиш штаби ташкил этилди.** Штабда иккита кўчма группа бўлиб, улар хўжаликларнинг дала шийпонларига чиқиб турадилар. Ҳар бир группада кенг профилли врачлар, кўчма амбулатория ва дорихона мавжуд.

Ўтган куни Бўка районидаги «Партия XIX съезди» колхоз **механизатори Саидназар Саидғаниев терим қаҳрамони бўлди. У бир сменада 23,5 тонна пахта терди.** Унинг мавсум бошидан буён терган пахтаси 60 тоннадан ошди.

Андижон

Ўтган куни областда 200 мингдан знёд киши пахта йиғим-теримида иштирок этди. Ҳар бир теримчининг кунлик ўртача иш унуми 53 килограммни ташкил этди. Ленин районидаги теримчилари энг яхши натижага эришдилар. Бу ерда ҳар бир теримчи ҳисобига 70 килограммдан пахта тўғри келди.

Жалолқудуқ районидаги «Коммунизм» колхозининг **Сахобиддин Холбердиев бошлиқ бригадаси деҳқонлари областда энг юқори кўрсаткичга эришдилар.** Бу ерда шу куни йиллик планнинг 10 процента миқдорида пахта тайёрланди.

Наманган

Чортоқ районида Раимжон Деҳқонов бошлиқ бригада ва Тўлқинбой Дадабоев бошлиқ звено шарафига байроқ кўтарилди. Навоий номли колхознинг бу меҳнат коллективлари бир кунда йиллик планнинг 8,5 процента миқдорида пахта тайёрланишини таъминладилар.

Райондаги мусобақасида **Тўрақўрғон райони деҳқонлари пешқадамликни қўлга киритдилар.** Улар бир кунда қабул пунктларига йиллик топшириқнинг 2,56 процентига миқдорида хом ашё етказиб бердилар.

Янгиқўрғон район партия комитети **«Пахтакор» агитпоездини ташкил этди.** Бу агитбригада составида район халқ театри артистлари, «Билим» жамияти лекторлари, медиклар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ходимлари бор. Агитпоезд аъзолари 20 дан знёд дала шийпонларида бўлишди.

Задарё, Тўрақўрғон ва Поп районларининг деҳқонлари дон тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан уддаладилар.

(Давоми учинчи бетда).

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида, шу йил 13 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	2,22	22,62	0,02	0,04
Хоразм	2,35	17,88	0,70	1,77
Навоий	1,49	14,22	0,09	0,34
Сурхондарё	1,69	13,86	0,85	4,49
ҚҚАССР	1,53	11,39	0,32	0,61
Андижон	1,69	10,70	0,01	0,01
Наманган	1,70	10,63	0,12	0,20
Қашқадарё	1,32	9,93	0,40	0,99
Фарғона	1,65	9,68	0,01	0,01
Самарқанд	1,17	9,02	0,09	0,16
Тошкент	2,00	4,77	1,47	2,71
Жиззах	0,25	1,70	0,01	0,01
Сирдарё	0,24	1,46	0,08	0,14
Республика бўйича	1,51	10,63	0,34	0,94
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	2,08	11,83	—	—
Сурхондарё	1,30	11,12	0,67	1,31
Қашқадарё	0,75	5,42	—	—
Наманган	0,40	4,80	—	—
Навоий	1,62	4,65	—	—
Республика бўйича	1,18	9,10	0,39	0,76

АНИҚ МАРОМ, ЮКСАК НАТИЖАЛАР

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг пахтазорларида дала—бункер—тайёрлов пункти йиғим-терим конвейерларини ишлай бошлади. Терим мавсумининг биринчи куниёқ тажрибали механизаторлардан Абдуваҳоб Қулбоев, Анорбой Усмонов, Эрали Мамасодиқов, Саидаҳмад Мамараимов бункерлардан 6—7 тонна пахта тўкдилар. Уларнинг ҳар бири мавсумда машиналар билан икки юз тоннадан пахта териб беришни ваъда қилди.

Хўжаликда учта терим-транспорт отряди ташкил этилган. Бу мавсумнинг дастлабки кунларидаёқ йиғим-терим конвейерининг икки сменада аниқ-пухта ишлашини йўлга қўйиш имконини беради. Бу йилги мавсумда дефолиация ердаги аппаратлар ёрдамида тез ва сифатли ўтказилганлиги ҳам механизаторлар юксак меҳнат натижаларига эришишларига имкон берди. Тезпишар ва серҳосил «Ўйчи-2» янги нав пахтаси хўжалик далаларидан биринчи марта териб топширилмоқда.

(ЎзТАГ муҳбири).

МАРДЛИК ВА ҚАҲРАМОНЛИК УЧУН

«СОЮЗ—Т-7» КЕМАСИ ЭКИПАЖИГА ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

«Союз Т-7» кемаси экипажининг муваффақиятли парвози Ватан космонавтикасидаги янги ёрқин саҳифа бўлди. Ана шу экипаж составида биринчи марта космонавт аёл ишлади. Бу парвоз космосни ўрганиш ва Ерни билиш соҳасида Совет фани ва техникасининг ғоят катта имкониятларини яна бир бор намойиш қилди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев 13 сентябрь куни Кремлда космос қаҳрамонларига Ватаннинг юксак мукофотларини топширди.

Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Биз ҳам ёқимли, ҳам тантанали воқеа — космос қаҳрамонларини мукофотлаш муносабати билан йиғилдик. Бундай маросимларнинг ўзи ҳам анъанага айланиб қолди. Аммо учиш тўғрисида асло бундай деб бўлмайди.

Составида дунёдаги иккинчи космонавт аёл бўлиб қолган Светлана Савицкая бўлган экипаж жонажон Ерга қайтиб келди.

Учишлар тажрибаси тўпланмоқда, космик кемалар мукаммал ва ҳатто шинам бўлиб қолмоқда. Шундай бўлса ҳам самога қўйиладиган ҳар бир қадам такрорланмасдир. Ҳар бир қадам билимларни, мардликни, бунинг устига ғайрат-шижоатни талаб этади. Ватанимизнинг самовий қизи Савицкая, унинг космик шунқорлари Попов ва Серебров ўртоқлар, «Салют-7» нинг очиқ кўнгиллик мезбонлари Березовой ва Лебедев ўртоқлар ана шу фазилатларнинг тўла даражадаги соҳибларидир.

Шундай пайтлар бўлган эдики, одамлар космик тадқиқотлар амалда қандай наф келтиради, деган саволни беришар эди. Эндиликда бундай савол йўқ. Астрономия, об-ҳаво хизмати, медицина, биология, қишлоқ хўжалиги, металлургия ҳамда инсон ақл-заковати ва қўллари иш берадиган кўпдан-кўп соҳалар фақат космик орбиталарда туриб олиш мумкин бўлган маълумотларга муҳтождир. Космосга қилинаётган харажатлар ортиғи билан қоплана бошлади.

Ватан олимларимиз, инженерларимиз, техникларимиз, ишчиларимизнинг ва албатта, космонавтларимизнинг, хуллас, космоснинг бепоён кенгликларини ўзлаштираётган барча кишиларнинг меҳнатига буюк миннатдорчилик билан қарамоқда.

Космик учишни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Леонид Иванович Попов Ленин ордени билан мукофотланади. Александр Александрович Серебровга ҳамда Светлана Евгеньевна Савицкаяга Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Олтин юлдуз» медали топширилади.

Азиз ўртоқлар. сизларни ана шу мукофотлар билан қизғин муборакбод этаман. Сизларга ерда ва космосда янги-янги зафарлар тилайман!

* * *

Л. И. Попов ўз нутқида космик учишни бажаришни ишониб топширганликлари учун, меҳнатларига берган юксак баҳо учун, Ватан мукофотлари учун экипаж номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига, Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор қилди.

Бизнинг парвозимиз деди у, XXVI съезд қарорларидан илҳомланган бутун совет халқи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳозирлик кўраётган кунларда ўтди. Космик учиш программаси батамом бажарилганлигини маълум қилишга ижозат бергайсиз. Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев «Салют-7» орбитал станцияси ичида космик вахтани яхши кайфият билан давом эттирмоқдалар. Улар учиш программасини юқори сифатли қилиб, аъло даражада бажаришларини айтиб қўйишимизни сўрадилар.

Л. И. Попов совет космонавтлари номидан ваъда бериб, биз космик фазони бутун инсоният бахт-саодати йўлида муваффақиятли ўзлаштириш учун бутун кучимиз, билимларимиз, тажрибамизни сарфлаймиз, деди.

А. А. Серебров юксак мукофот учун миннатдорчилик билдириб қуйидагиларни таъкидлади: бизнинг илмий тадқиқот комплекси ичидаги учишимиз совет космик техникаси нақадар мукаммал эканлигини, у сифат жиҳатидан нақадар юксак даражага кўтарилганлигини, эркин тинч ижод қилаётган совет кишиси қандай чўққиларга эриша олишини яна бир бор кўрсатди.

Биз бу юксак мукофотларни даставвал олимлар, конструкторлар, ишчилар, қишлоқ меҳнатчилари, врачлар—бутун қаҳрамон совет халқимиз меҳнатининг эътироф этилиши деб қабул қиламиз.

Муҳтарам Леонид Ильич, Сизни, КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукуматини ишонтириб айтаманки, коммунист, инсон, олим сифатида ўзимнинг бутун кучим, билимларим, тажрибамни кишн бошқарадиган космик техникамизни такомиллаштиришга, улуғ Ватанимиз бахт-саодати йўлида космик тадқиқотларнинг самарадорлигини оширишга сарфлайман, деди.

Халқимнинг юксак мукофотларини, деди ўз нутқида **С. Е. Савицкая**, учишимизга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни таъминлаган совет кишиларининг катта илмий, техникавий, ишлаб чиқариш коллективларига ҳам берилган мукофотлар деб биламан. Мен, коммунист учун биз Батан топширигини, партия топширигини бажардик, деб маълум қилиш қувончлидир.

Экипажимиз учиши шуни яққол кўрсатдики, космик техникани ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ҳам хотин-қизлар космосда актив ишлашга, илмий-техникавий, медицина-биология тадқиқотлари ва экспериментларни муваффақиятли ўтказишга, космик техникадан фойдаланишга қодирдирлар.

Ленин партияси, Совет ҳукумати, шаҳсан Сиз, Леонид Ильич, Совет космонавтикасини ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб, ва эътибор бериб келаётганлигингиз туфайли космик учишни муваффақиятли ўтказиш мумкин бўлиб қолди ва у собитқадамлик билан амалга оширилди.

Совет олимлари, инженерлари, ишчиларнинг астойдил меҳнати билан мукаммал, пухта космик техника яратилдики, бу техника аёл кишининг экипаж составида саккиз кунлик парвозни бажаришига имкон берди.

Космосда ишлар экансан, планетамиз нақадар ажойиблигини, айтишим мумкинки, улуғворлигини ва шу билан бирга ҳимоясиз эканлигини кўрасан киши. Партиямиз, ҳукуматимиз ва шаҳсан Сиз, азиз Леонид Ильич, тинчлик учун олиб бораётган тинимсиз қурашнинг ниҳоятда муҳимлиги ва зарурлигини ҳам айниқса чуқур тушуниб оласан киши. Ер юзида тинчликсиз бахт-саодат ҳам севимли меҳнат қувончли ҳам бўлиши мумкин эмас.

Мамлакатимиз космонавтикаси янги ғалабаларининг шон-шуҳрати йўлида Ватаннинг ҳар қандай топширигини бажаришга тайёрман.

Нутқлар эътибор билан тингланиб, қарсаклар билан кутиб олинди.

Шонли воқеа ҳақидаги эсдалик учун Леонид Ильич Брежневга орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида беш космонавт имзолаган биргаликдаги учиш тўғрисидаги **гувоҳнома** топширилди.

Мукофотларни топшириш маросимида ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири И. Ф. Дмитриев, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, Ю. А. Гагарин номидаги космонавтлар тайёрлаш марказининг бошлиғи, авиация генерал-лейтенанти Г. Т. Береговой, бошқа расмий кишилар экипаж аъзоларини самимий муборакбод этдилар.

(ТАСС).

Мукофот топшириш пайти.

В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. (ТАСС—ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ВА ОБЛАСТЛАРНИНГ ЮБИЛЕЙОЛДИ ЙЎҚЛАМАСИ

ДОҲИЙ НИГОҲИДАН НУР ЭМГАН ДИЁР

БУГУН СЎЗ—СИРДАРЁ ОБЛАСТИ ВАКИЛЛАРИГА

БУГУНГИ кунда фахр билан Мирзагулистон деб аталаётган диёримизнинг олтмиш йил муқаддам қай аҳволда эканини тасаввур этиш учун мана бу сатрларни ўқиш кифоя: «Биз Сирдарё станциясига етиб келдик. Поездимизни ҳеч ким кутиб олмади, ҳамма бёзгак билан оғриб ётарди... Биз ҳамма ерда бир манзарани — сувсиз ётган чўлни, шўр ва ботқоқликларни кўрдик. Безгак кучайган, туғилишга нисбатан ўлим кўпайган эди».

Ушбу сатрларни пролетариат доҳийси Владимир Ильич Ленин даъвати билан асрлар оша сувсиз қақраб «оч дала» дея таҳқирланган Мирзачўл юзидан шўрни ювиш, маҳаллий халққа кўмак бериш учун келган олимлардан бири В. Ф. Булаевский ёзган эди.

Мирзачўл ўтмишда ҳақиқатдан ҳам тупроғи шўрланиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган, одамларни ҳар хил касалликлар исканжага олган бир воҳа эди. Ўша, мамлакатда гражданлар уруши давом этаётган, ҳамма жойда очлик ҳукм сураётган оғир бир пайтда доҳиймиз Туркистон ерларини суғориш ва ўзлаштириш, маҳаллий аҳолига ёрдам кўрсатиш ҳақида қайғуриб, бу ишлар учун 50 миллион сўм маблағ ажратиш тўғрисидаги Декретга имзо чекди. У давлат хазинасидан маблағ ажратиш, Туркистонда ирригация ишларини олиб борадиган махсус бошқарма — ИРТУР ташкил этиш, ўлкамизга турли мутахассислар жамланган махсус поезднинг юборилишига ҳам бош-қош бўлди.

Тўғри, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш, Сирдарёни бўғиб, канал чиқариш ҳақида илгари ҳам кўплар ўйлаганди. Ҳатто буюк князь Константин Романов бу ишга шахсан раҳбарлик қилиш учун Петербургдан Туркистонга келганди. Катта харажат ва меҳнатлар эвазига дарёга Шоҳтўғон қурилиб, канал ҳам қазилганди. Лекин дарё бўйсунмади, тўғонни ювиб кетди. Кейинчалик Николай I каналини қуришга уринди кўрди. У қаздирган юз километрлик канал бор-йўғи етти минг гектарга яқин ерни суғорарди, холос. Мақсади фақат бойлик орттириш бўлган кишилар чўлни ўзлаштириш, суғориш ва обод ўлкага айлантириш ўрнига далаларни сувга бостириб, шўрлатиб юборардилар.

Фақат Улуғ Октябрь шарофати, доҳий башорати, Коммунистик партиянинг доно сиёсати ва кўп миллатли мамлакатимиз халқларининг ҳамкорлиги туфайли Мирзачўл, Мирзагулистонга, пешонасидан шўри ариб, ҳақиқий эгаларини топган тулгун воҳага, «оқ олтин» конига, саноати ривожланган саводхонлар юртига айланди. Бунинг учун биз, мирзачўлликлар буюк доҳийга, мамлакатимиз барча халқларига, ана шу ўзгаришларга бош бўлган Коммунистик партиянга таъзим қиламиз.

Революциянинг дастлабки кунларидан нечка ўлкаларни жабр-зулмдан қутқариш, халқларга ҳақ-ҳуқуқ, тинчлик, тенглик ва бахт-саодат бериш ҳақида ўйлаган доҳиймиз бир неча минг километр олисда туриб, Мирзачўлни меҳр кўзи билан кўрди ва уни суғориш, мамлакатнинг йирик пахтачилик районига айлантириш ҳақида башорат қилди. Доҳий ташаббуси билан Туркистонга юборилган махсус поездда ирригаторлар, тупроқшунослар, инженерлар, агроном ва врачлар бор эди. Михаил Михайлович Бушуев, Георгий Константинович Ризенкампф, Николай Александрович Димо, Василий Степанович Малигин сингари фидойилар ақл-заковати, билим ва тажрибасини Мирзачўлнинг истиқболига бағишладилар. Дарёни жиловлаб, чўлга оби-ҳаёт олиб келишда бизга бутун мамлакат ёрдам қўлини чўзди, энг меҳнаткаш, ташаббускор ўғил-қизларни кўмакка юборишди.

ХАЛҚЛАРИМИЗНИНГ асрий орзуси ушалди — дарёга тўғон ташланиб, сувни чўл бағрига оқизилди. Ирригация ишларининг йўлга қўйилиши ўлкамизга янгича турмуш тарзини олиб келди. 1925 йилда областимизда тўнғич давлат хўжалиги — 1-«Боёвут» совхози ташкил этилди. Аста-секин ҳозирги Сирдарё, Ворошилов, Гулистон ва Боёвут районлари территориясида колхозлар ташкил этилиб, илк корхоналар иш бошлади. Мактаб-маориф ишлари йўлга қўйилиб, халққа маданият тарқатиш, соғлигини сақлаш борасида катта ташкилий ишлар амалга оширилди.

Ўтмишда сувсизликдан қақраб, бенаво бўлиб ётган Мирзачўл Совет ҳокимияти йилларида гуллаб-яшнаган воҳага айланди. Ана шу улкан ўзгаришлар кўпмиллатли мамлакатимиз халқлари қўли билан амалга оширилди. Эндиликда Мирзачўл Мирзагулистон номини олди.

Ушбу суратларда кичкина қишлоқ ўрнида қад кўтарган чўлқуварлар диёри маркази — Гулистон шаҳрида улуғ доҳийга ўрнатилган ҳайкал ва ёг-мой экстракция заводининг умумий кўриниши акс эттирилган.

А. Тўраев фотолари.

Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида ҳам Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари давом эттирилди. Гарчи мингларча чўлқуварлар Ватан ҳимоясига отланиб, даладаги юмушлар ёллар, кексалар ва болалар зиммасига тушган бўлса-да, деҳқончилик қилинадиган майдонларни кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш, галабага ҳисса қўшиш учун кўпроқ пахта ва дон етиштириш йўлида ҳамма бир жону бир тан бўлиб ишлади. Ўша йилларда «Қизил деҳқон», Ленин номли, «Красная заря», Куйбишев номли, «Ҳақиқат» колхозлари ва «Боёвут» совхози каби бақувват хўжаликлар фронтга катта мадад бериб турди. 1943 йилда Фарҳод ГЭСи қурилиши бошлаб юборилди. Нурхона учун дарёга ташланган тўғон сувни йигирма метрга кўтариши, Фарҳод каналига оқизилиши Мирзачўлнинг ярим миллион гектар ўзлаштирилмай ётган ерларига сув чиқариш имконини яратди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1956 йилдаги «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРнинг Мирзачўл қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарори воҳамиз солномасига олтин саҳифа бўлиб кирди. Улуғ доҳиймиз бошлаб берган ишни давом эттириш — чўлни оммавий ўзлаштиришда қатнашиш учун Мирзачўлга партия даъвати билан минглаб йигит-қизлар келдилар. Ўша йилнинг кузида чўлқуварлар маркази — Янгиер шаҳрига пойдевор қўйилди. Чўлнинг изгирини, қўёш оловини пуркаб турган шароитларида ишлаш осон эмасди. Даъваткорлар палатка ва вагон уйларда яшаб, чўлнинг ичларисига ҳужумни давом эттирдилар. Ўзлаштиришнинг биринчи босқичида Ғанишер Юнусов, Лолахон Эрбўтаева, Азизхон Носиров, Назира Йўлдошевалар номи тилларда достон бўлган бўлса, Жанубий Мирзачўл каналини қазиш, янги зонани комплекс ўзлаштириш, чўл индустриясини яратиш, янги ерларда ташкил этилган хўжаликларни бир-бири билан боғлайдиган минг-минг километрга ястанган йўллар қуриш, лоток ариқлар, коллектор ва дренаж тармоқлари барпо этишда ўзбеклар билан рус, украин, белорус, туркман, тожик, қозоқ, арман, қирғиз, озарбайжон, латвш ва бошқа миллат ҳамда элатларнинг фарзандлари қўлни-қўлга бериб ишладилар. Маркс Тошпўлатов, Виктор Саутов, Алимирза Алиев, Мансура Шакурова, Тожиқўзи Болтабоев, Тамара Грушко, Саттор Усмонов ва яна қанчақанча кишилар чўлни ўзлаштириш жабҳасида шуҳрат қозонидилар.

АСЛАР бўйи сувга ташна саҳрони буйсундиришга, оби-ҳаётга қондириб, йилига 420—450 минг тонна «оқ олтин», қанчадан-қанча мева, узум, сабзавот-полиз маҳсулотлари берадиган мўл-кўлчилик ўлкасига айлантириш ишига бутун мамлакат ўз ҳиссасини қўшди. Халқларимиз ўртасидаги монолит бирлик, мустаҳкам дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик, партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги ҳамда доно раҳбарлиги туфайли сўнгги чорак асрда Мирзачўлда жуда катта ишлар амалга оширилди. Доҳий орзу қилганидек, воҳамиз йирик пахтачилик районига, мўл-кўлчилик ўлкасига айланди. Бунинг учун етти юз километрдан зиёд бетонлаштирилган каналлар, олти минг километр лоток ариқлар, ўн етти минг километр ёпиқ горизонтал ва етти юздан кўпроқ вертикал дренажлар барпо этилди. 3,8 минг километр коллектор қазилиб, 4,4 минг километр электр узатиш линиялари, 500 километр ички хўжалик водопровод тармоқлари ўтказилди.

Чўлни коммунизмга хизмат қилдириш учун аввало қалб амри билан келган кишиларга меҳнат қилиш ва яшаш учун турар-жой шароитларини яратиб бериш керак эди. Шунинг учун ҳам ўзлаштириш комплексида уй-жой, маданий-маиший, савдо, медицина ва коммунал хизмат кўрсатадиган объектлар, мактаб, мактабгача тарбия муассасалари қурилиши биринчи ўринга қўйилди. Шу йилларда «Голодностепстрой» территориал бошқармаси қурувчилари 3,4 миллион квадрат метрдан ортиқ уй-жойлар, 50 минг ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 17 минг бола учун мактабгача тарбия муассасалари, 14 минг ўринли клуб, 1,5 минг ўринли касалхона, ҳар куни 2200—2300 кишини қабул қиладиган поликлиникалар ва бошқа муҳим объектларни фойдаланишга топширдилар.

Шундай қилиб, юқорида эслатилган қарор эълон қилинганидан бери Мирзачўлнинг янги зонасидан 330 минг гектардан кўпроқ суғорилдиган ерлар комплекс ўзлаштирилиб, элликдан зиёд пахтачилик, боғдорчилик, чорвачилик хўжаликлари ташкил этилди. Янги ерларни комплекс ўзлаштириш, йирик пахтачилик районининг барпо этилиши билан бир қаторда. Янгиер, Ширин, Пахтаобод, Ульянов, Сардоба сингари бир-биридан обод ва кўркам шаҳар ва посёлкалар қад кўтарди. Эндиликда чўлдаги хўжаликларни бир-бири билан боғлайдиган асфальт йўлларда автобусларнинг доимий маршрутлари йўлга қўйилган. Чўлқуварлар эҳтиёжларини таъминлаш учун район марказлари ва совхозларнинг посёлкаларида савдо комплекслари ишламоқда.

Ўзлари ҳақида қилинаётган ғамхўрликка амалий иш билан жавоб бераётган областимиз меҳнаткашлари фақат янги ерлар ҳосилига эмас, деҳқончилик маданиятини кўтариш, пахтачиликда комплекс механизацияни кенг жорий этиш, фан-техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибаларга амал қилган ҳолда, ҳосилдорликни кўтариш, энг муҳими маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Айниқса, кейинги йилларда ирригация-мелиорация ишларининг яхшиланиши, алмашлаб экиш илмий асосда қўлланилиши, чигитнинг вилтга чидамли ва эртапишар навлари янги усулларда экилиши ҳамда етиштирилган ҳосилни машиналарда териб олишга эътибор кучайтирилиши туфайли ялпи пахта хирмонимиз тобора юксалмоқда.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезднинг пахтачиликни ривожлантириш, хом ашё сифатини яхшилаш ҳақидаги қарорларига амал қилиб ишлаган областимиз деҳқонлари ўтган йили 430 минг тонна чўл пахтаси топширдилар. Ялпи ҳосилнинг 77 процента машиналарда териб олинди. Ўлкан хирмонга Оқолтин, Ворошилов, Ильич ва Меҳнатобод районлари пахтакорлари, айниқса, катта ҳисса қўшдилар. Съездлар йилида пилла, дон, мева, сабзавот-полиз маҳсулотлари ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга топшириш планлари ҳам ортиқ билан бажарилди.

Қўриқ ерларнинг жадал ўзлаштирилиши ва эскидан деҳқончилик қилинаётган майдонлар ҳосилдорлигини кўтариш борасида кўрилган тадбирлар натижасида Мирзачўлда деҳқончилик ва чорвачилик билан бир қаторда, саноатнинг равнақ топиши, капитал қурилиш суръатларининг ошишига ҳам катта имкониятлар очилди. Энг аввало чўлни ўзлаштиришга хизмат қиладиган объектларни қуришга эътибор берилди. Қурилиш ташкилотларининг базасини мустаҳкамлаш мақсадида Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати ишга туширилди. Бирин-кетин Гулистон ремонт-механика заводи, Ховос сопол қувурлари, Жиззах силикальций заводлари, «Ташсельмаш»нинг Сирдарё филиали, қатор пахта тозалаш заводлари, Ўрта Осиё гиганти — Сирдарё ГРЭСи сингари 40 дан кўпроқ саноат корхоналари фойдаланишга топширилди. Эндиликда Сирдарё области деҳқончилик ва чорвачилик билан бир қаторда, саноат ва қурилиши равнақ топган индустриал областлар қаторида туради.

ВОҲАМИЗНИНГ бугунги камоли, шуҳрати ҳақида гап борганда беихтиёр ана шу олтин саҳифаларни яратган кишиларни эсламай илож йўқ. Улар элликдан кўпроқ миллат вакиллари. Қанчалари чўл дорилфунунида сабоқ олиб, номлари тилга тушди. Акоп Абрамович Саркисов, Евгений Иванович Озерский, Тўхтамиш Боймиров, Абдукарим Қосимов, Дмитрий Константинович Терситский, Эммануил Моисеевич Беньяминовичлар Мирзачўлдаги қўриқ ерларни суғориш ва бирламчи комплекс ўзлаштириш методларини ишлаб чиққанликлари ҳамда жорий этганликлари учун Ленин мукофоти лауреати бўлиш бахтига муяссар бўлсалар, қўриқ ерларда пахтадан юқори ҳосил етиштириш ва ҳосилни машинада теришнинг илғор тажриба мактабини яратган юзлаб мусобақа ғолиблари давлатимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланди, кўплари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлишди.

Ҳа, Мирзачўл Мирзагулистонга айланди. Бу буюк бунёдкорлик қаҳрамон совет халқининг қўли билан амалга оширилди. Чўлда кўрсатилган жасорат ва матонат, буёндкорлик ва ўзгаришлар ҳаммани ҳайратга солмоқда. Далаларимизда бўлган, шаҳар ва қишлоқларимизни томоша қилган, замонавий корхоналаримизни айланган кишилар шу ўзгаришлар Совет ҳокимияти йилларида юз берганига лол қоладилар. Жаҳондаги жуда кўп чўлларни кўрган бразилиялик машҳур олим, «Очлик жуғрофияси»нинг муаллифи Жозуэ де-Кастро Мирзачўл даги бунёдкорликлардан ҳайратга тушиб, шундай деб ёзган эди: «Мирзачўл ҳақида китоб ёзаман. Сизларнинг Мирзачўлни ўзлаштириш борасидаги ишларингиз жаҳондаги ҳамма халқлар учун ибрат бўлгусидир. Асарда кишиларингизнинг жасоратини, ажойиб меҳнатингизни тасвирлайман. Ер юзидаги ҳамма халқлар сизлардан намуна олиб, қурраميздаги оч чўлларни яшнатишлари керак».

Тарих учун олтмиш йил айтарли катта муҳлат эмас. Ана шу йилларда Мирзачўл чиндан ҳам таниб бўлмас даражада ўзгарди. Кўп миллатли халқларимизнинг дўстлик ўлкаси, қардошликка асосланган интернационал оиласига айланди. Қолоқ, саводсиз ўлкадан маданияти гуллаб-яшнаган, саводхонлар юртига айланди. Ўтмишда мактаб нима, клуб ва кинотеатр нималигини билмаган мирзачўлликларнинг бугунги авлоди ўз институтларида, ўрта махсус билим юртларида севган мутахассисликларини эгаллашиб, область музикали драма театри, район маданият уйлари, хўжалик ва корхоналар клублари қошидаги ҳаваскорлик коллективларининг санъатидан баҳраманд бўлмоқдалар. Бирор колхоз ёки совхоз йўқки, клуб ва кутубхона, соғлиқни сақлаш муассасалари, маиший ва савдо хизмати кўрсатадиган объектлар бўлмаса.

Қишлоқларимизда 1500 олий маълумотли агроном, зоотехник ва ветеринария врачи, 1200 олий маълумотли врач, 7 минг ўқитувчи, 4,5 минг ўрта медицина ходимлари хизмат қилаётганлиги халқимизнинг турмуш тарзи нақадар ўзгарганлиги, қишлоқларимизда юз берган социал ўзгаришларнинг ёрқин далилидир.

Кейинги йилларда қишлоқ турмуш маданиятини кўтариш, хуторлар ва майда қишлоқларни обод посёлкаларга кўчириш, колхоз ва совхозларнинг марказий кўрғонларини бош план асосида қайта қуриш борасида катта ишлар амалга оширилди. Сирдарё районидаги «Ленинград», Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозлари, «Малик», Ворошилов номли совхозларнинг марказий шаҳарчалари меҳнаткашлар турмушига янги урф одат ва анъаналарни кенг сингдиришда замонавий посёлкаларнинг нақадар афзалликларга эга эканлигини исботлади. Яқин келажакда областимизнинг эскидан деҳқончилик қилиб келинаётган зонадаги хўжаликларнинг қишлоқлари бош план асосида қайта қурилади. Янгидан ўзлаштирилган ерларда ташкил этилган совхозларнинг посёлкаларида чўлқуварларга намуналы хизмат қилиш учун барча имкониятлар яратилади. Шубҳасиз, бу КПСС XXVI съездининг меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини ошириш юзасидан қўйган вазифаларининг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида қабул қилинган СССРнинг Озиқ-овқат программаси, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг шу Пленумдаги докладида халқ хўжалигини ривожлантириш ва қишлоқдаги социал-маиший турмуш шароитларни яхшилашнинг 1990 йилгача бўлган вазифалари белгилаб берилган. Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида пахта етиштиришни кўпайтириш, сифатини ошириш, саноат корхоналари қувватларидан самарали фойдаланиш, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини интенсив ривожлантиришдаги камчиликларга барҳам бериш, КПСС XXVI съезди қўйган вазифаларни ҳал этиш чора-тадбирларини белгилаш вазифасини қўйди.

Область партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, барча ишлаб чиқариш коллективларининг партия ташкилотлари ана шу вазифаларни бажаришга оммавий сафарбар этиш, илғорлар тажрибаси асосида бор резерв ва имкониятларни ишга солиш учун ташкилотчилик ишларини кучайтирмоқдалар.

Белгиланган тадбирларда СССР 60 йиллигига социалистик мусобақани янада авж олдириш, Мирзачўлнинг ўзлаштирилмаган қисмини тезроқ қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, деҳқончилик маданиятини кўтариш ва ҳосилдорликни ошириш ҳисобига беш йилликнинг охирига бориб ялпи пахта хирмонини 500 минг тоннага етказиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қариб 2 баравларга кўпайтириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида янги қувватларни ишга тушириш ва янада юксак марраларга эришиш, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш масалалари кўзда тутилган.

Ҳозир меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини амалга ошириш, СССР ташкил этилган қунинг 60 йиллиги шарафига зиммага қабул қилинган юксак мажбуриятларни шараф билан бажариш йўлида қизғин кураш олиб борилмоқда. Айниқса, пахтакорларимизнинг ғайратшижоати бошқача. Бу йилги об-ҳаво қийинчиликлари ва сув танқислигини матонат билан енгган «оқ олтин» бунёдкорлари кенг майдонларда чамадагидан ҳам кўп ҳосил етиштирдилар. Айни кунларда ишни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Пахта тозалаш саноати министрликларининг, республикадаги колхоз ва совхозларнинг 1982 йил ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарликни тугаллаш ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахта сифатини ошириш ҳақидаги йўл-йўриқларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этган областимиз меҳнаткашлари йиғим-теримни уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар.

Барча районлар ва хўжаликларда йиғим-терим техникаси шайланиб, қабул пунктлари ва пахта тозалаш заводларида пухта ҳозирлик кўрилди. Ҳадемай, дефолиация тугалланиб, терим машиналарига кенг иш фронти очилади. Ҳеч шубҳа йўқки, қўриқ областимиз деҳқонлари она-Ватанга 420 минг тонна пахта топшириш юзасидан берган сўзларининг устидан чиқадилар ва СССРнинг 60 йиллик тўйини муносиб тўёналар билан кутиб оладилар.

• • •

Ҳавасбой АБДУКАРИМОВ — 1917 йилдан КПСС аъзоси, гражданлар ва Улуғ Ватан урушлари ветерани. Тўхтахон ҚИРГИЗБОЕВА — Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, СССР Олий Совети депутати. Александр РОН — «Голодностепстрой»га қарашли «Янгиерводстрой» трести 24-механизациялашган кўчма колоннасининг бульдозерчиси, Гулчеҳра БЕКПЎЛАТОВА — «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» номидаги Гулистон тикувчилик фабрикасининг тикувчи-моториста, КПСС XXVI съезди делегати. Собиржон СИДДИҚОВ — «Оқолтин» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Урие БАКИРОВА — Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхозининг сигир соғувчиси, Комсомол мукофотининг лауреати. Абдусамад САИДМУРОДОВ — «Боёвут» совхозининг механизатори, СССР Давлат мукофоти лауреати. Тоғай ИДИҚУЛОВ — Ильич районидаги «Правда» совхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Мирзаали МИНГБОЕВ — Гулистон районидаги 24-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЧОРВАЧИЛИК—ЗАРБДОР ФРОНТ

ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛГАЧ...

Кейинги йилларда совхозимизда барча тармоқларни кескин ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Чорвачилик ривож топмоқда. Совхозимизда бу тармоқ янги ҳисобланади. Бундан уч йил муқаддам енгил типдаги молхона қуриб битказилган эди. Эндиликда қорамоллар сони 300 тага етказилди. Чорвачилик комплекси бунёд этишни тезроқ ҳал этиш зарур бўлиб қолди. Лекин бу масала ҳозирча ҳал этилганича йўқ. Шунинг учун биз ўз қучимиз билан 200 бошга мўлжалланган молхона қуряпмиз. Умуман олганда жамоат чорвачилигини ривожлантиришга қаратилган резерв ва имкониятларни қидириб топиб, ишга соляпмиз. Натижа ёмон бўлмаяпти, албатта. Келгуси йилда жами қорамолларга нисбатан сигирларнинг сонини кўпайтириш тадбирларини кўряпмиз. СССР ташкил топганлигининг 60 йиллик юбилейи йилида совхозимиз чорвадорлари зўр қўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар.

Чорвадорларимиз гўшт етиштиришни ҳам кўпайтиришга эришмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ гўшт тайёрлаш йиллик плани шараф билан уддаланди. Гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 400 килограммдан ошиб кетди. Фермамизда жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш йўлида жонкуярлик кўрсатиб меҳнат қилаётган кишилар борки, биз уларнинг меҳнатидан ғоят мамнунмиз. Сут соғувчилардан София Ниёзова, Турди Расулова, молбоқарлардан Жума Тўхтаев, Шодмон Каримов, Йўлдош Қурбонов сингарилар маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш йўлида тиниб-тинчимаяптилар. Чорвадорларимиз ўртасида социалистик мусобақа намунали ташкил этиляпти.

Паррандачилик — етти хазинанинг бири. Айни чоғда совхозимизда бу йил 9 минг бош парранда боқилмоқда. Паррандаларни Панжи Ҳазратқулов ола-аъзолари билан биргаликда меҳр билан парвариш қиляпти. Ярим йил мобайнида йиллик планда белгиланганидан 6 минг донадан зиёдроқ тухум тайёрлашга эришдик. Ўз кучимиз билан паррандачилик фермасини кенгайтириб бораяпмиз. Яна 5 минг бош парранда асраладиган янги бино қуриш кўзда тутилмоқда.

Қорамолчилик, паррандачилик билан бир қаторда қўйчиликни ҳам янада ривожлантиришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйдик. Ҳозир хўжалигимизда 1200 бошдан ортиқ қўй-қўзи боқилмоқда. Давлатга қоракўл тери, жун топшириш йиллик планларини бажариб қўйганмиз. Бу тармоқларни ҳам кенг ривожлантиришни ўз олдимизда турган асосий вазифалардан бири қилиб қўймоқдамиз.

Яқинда чорвадорларимизнинг хизмати юксак даражада тақдирланди. Совхозимиз чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича юбилей йилининг биринчи ярми якунларига кўра республика социалистик мусобақасида ғолиб чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлдик. Бу юксак мукофот совхоз чорвадорларини янги зафарлар сари илҳомлантирмоқда. Улар гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш режаларини белгиламоқдалар. Йил охирига қадар яна йиллик планнинг 40—50 процента миқдорида сут, тухум тайёрлаш кўзда тутилаяпти. Гўшт етиштиришнинг муҳим резерви бўлган чўчқачилик фермаси ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Маълумки, жамоат чорвачилигини ривожлантириш аввало унинг мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтиришга боғлиқ. Буни қалбдан ҳис этган хўжалик чорвадорлари қишлов учун етиб ортадиган миқдорда ем-хашак тўплаш ҳаракатида бўляптилар. Шу кунга қадар минг тоннадан зиёдроқ сенаж бостирилди. 220 тонна беда пичани ҳозирланди. Хўжалигимиз далаларида маккажўхори ўрими ҳам қизғин. Шу йилнинг ўзидаёқ маккажўхори кўкпоясидан 2 минг тоннадан ортиқроқ силос бостиришни планлаштирганмиз. Дағал хашак жамғариш ишлари ҳам қизғин давом эттирилмоқда. Чорва моллари учун ем-хашак тўплашга етарли ишчи кучи ва транспорт воситалари ажратилган.

Чорвачиликни юксалтириш учун олдимизда муҳим муаммолар турибди. Чорвачиликдаги барча ишларни — молхоналарни тозалаш, озуқа бериш, сут соғиш каби ишларни механизациялаштириш ҳаёт тақозосидир. Шундай экан, «Каршинрстепстрой» бирлашмаси, тегишли қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари шартномада белгиланган совхозимизда замонавий чорвачилик комплекси қурилиши масаласини тезроқ ҳал этишни жиддий ўйлаб кўришлари зарур.

Тўғри, совхозимиз юксалишнинг ойдин йўлидан боряпти. Етмишинчи йилларнинг ўрталарида атиги 2 минг тонна пахта етиштирдик. Бултур эса бу кўрсаткич 9100 тоннадан ошиб кетди. Деҳқончиликнинг бошқа тармоқлари ҳам тараққий топди. Умуман сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажми совхоз ташкил топган пайтдаги даражадан 8—10 баравар кўпайди. Бугунги кунда олдимизда турган муҳим ва масъулиятли вазифа чорвачиликни замонавий талаблар асосида ривожлантиришдан иборатдир. КПСС XXVI съездида чорвачилик қишлоқда зарбдор фронт деб эълон қилинди. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида тасдиқланган Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда шак-шубҳасиз жамоат чорвачилигини кескин ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, биз бу тармоқни юксалтиришга эътиборни янада кучайтириб, гўшт, сут, тухум сингари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш резервларини тўла ишга солаверамиз.

Ж. ШОДИЕВ,
Усмон Юсупов районидаги Калинин номли совхоз директори.

ПАХТАКОРЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН

Ромитон районининг медиклари пахта териш кампаниясида актив иштирок этмоқдалар. Колхоз ва совхозларнинг даволаш амбулаториялари ва фельдшерлик пунктлари кадрлар билан таъминланган, врачлар ва ўрта медицина ходимларининг кечаю кундуз навбатчилиги ташкил этилган, қишлоқ соғлиқни сақлаш муассасаларининг беморларни қабул қилиш соатлари пахтакорлар учун қулай вақтга эрта тонг ва кечқурунга кўчирилди.

Дала шийпонларида санитария ва гигиена қондалари тўғрисида лекциялар ва суҳбатлар ўтказилди, дала дори жавонларида дори-дармонлар ғамлаб қўйилди. Иккита кўчма даволаш амбулаторияси ташкил этилди, бу амбулатория бригадаларига терапевтлар, стомотологлар, жарроҳлар, педиатрлар кирди. Нариманов номли колхоз ва «Ромитан» совхозида район болалар поликлиникасининг бўлинмалари ташкил этилди, бир қанча хўжаликларда фельдшер-акушерлик пункти очилди.

(ЎзТАГ).

Парранда гўшти етиштиришга ихтисослашган Андижон бирлашмаси корхоналари коллективлари шу кунларда парҳез маҳсулотни кўпайтириш учун ғайрат-шижоат кўрсатишяпти. Бирлашманинг барча фабрикаларида бройлерларни тезроқ семиртиришга алоҳида эътибор бериляпти.

Суратларда: илғор оператор Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ҳалима Омонбоева ва 3-фабриканинг илғор оператори Ҳосият Матхолиқовалар иш устида.

Л. Гусеинов фотолари.

Марс майдонда синалади

ПЕШҚАДАМЛАР САФИ ЯНАДА КЕНГАЯВЕРСИН

[Бошы биринчи бетда].

Қашқадарё

Қарши районидаги «Москва» совхозининг **Ҳамид Қаршиев бошлиқ бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.** Бригада деҳқонлари эл хирмонига 184 тонна дурдона армуғон этдилар. 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил кўтарилди. Коллектив ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш мажбуриятини олди.

Муборак районидаги қўриқ 30-совхозининг **Найим Теллялов бошлиқ бригадаси заршунослари социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшира бошладилар.** Чўлқуварлар ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

Жиззах

Областнинг қўриқ хўжаликларида машина терими кўлами тобора кенгаймоқда. **Зарбдор районидаги «Чўлқувар», «Ленин йўли», «Ғалаба» ва Октябрь районидаги «Уч қаҳрамон», Ф. Хўжаев номли совхозларнинг механизаторлари терим агрегатларини биринчи бўлиб далаларга олиб чиқишди.**

Теримнинг дастлабки кунидаёқ таниқли механизатор Зулайхо Сатторова ўз агрегати бункеридан 10 тонна «оқ олтин» бўшатди.

Бухоро

Ромитан районидаги **«Октябрь 50 йиллиги» совхози областдаги юқори ҳосилли хўжаликлардан бири ҳисобланади.** Бу йил хўжалик азаматлари Батанга 14.140 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олишган. Ҳозир совхоз далаларида 43 пахта териш машинаси ишлатилянти. Шокир Зокиров, Қодир Зарипов, Қодир Мажидов сингари дала гвардиячиларининг ҳар бири кунига бункерлардан 13—15 тоннадан дурдона бўшатмоқдалар.

Шу совхоздаги **Раҳим Нарзуллаевнинг оилавий экипажи мавсумда 1.200 тонна пахта теришга қарор қилди.** Машҳур механизаторнинг ўғли Расул ва қизи Мастура отаси билан ёнма-ён меҳнат қилишаётир.

Бухоро районидаги **2-совхозидан О. Акрамов ва Б. Худойбердиев бошлиқ бригадаларнинг чўлқуварлари пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини адо этдилар.** Ўртачўл массивидаги янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳар гектаридан 17—18 центнердан ҳосил кўтарилди.

Ғиждувон райони меҳнаткашлари бу йил давлатга 15 минг тонна ингичка толали пахта топшириш учун курашмоқдалар. Бу ерда ҳар куни йиллик планнинг 6—6,5 процента миқдорида ипак пахта тайёрланаётир. Йиғим-теримда Ҳ. Олимжон номли, Энгельс номли ва «Зарафшон» колхозларининг пахтакорлари айниқса юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Навоий

Хатирчи районидаги **Чкалов номли колхознинг Неъмат Шопўлатов бошлиқ бригадаси йиллик планни бажарди.** Бригада заршунослари адирдаги ерлар ҳосилдорлигини гектар бошига 30 центнерга етказишни кўзлашмоқда.

Шу райондаги **Пўлкан шоир номли совхоз соҳибкорлари баҳорда токзорлар орасига ҳам чигит экишган эди.** Мана, шу ишнинг дастлабки натижаси: Мели Қувонов бошлиқ бригада азаматлари 25 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 20 центнердан пахта ҳосили олдилар. Бригада коллективи ўз имкониятларини чамалаб кўриб, ҳосилдорликни 25 центнерга етказишга қарор қилди.

Самарқанд

Нарпай районидаги «Партия XXVI съезди» совхозининг **Қурбон Тожиев бригадаси заршунослари қўриқдан дастлабки 50 тонна «оқ олтин»ни йиғиштириб олишди.** План-топшириқни уддалаган бригада аъзолари эл хирмонига яна 35 тонна хом ашё топшириш мажбуриятини олишди.

Иштихон районидаги **шу йил олий ўқув юртларини битириб чиққан 80 нафар ёш ўқитувчи зарбдор отряд ташкил этиб, қўриқ «Зарбанд» совхози пахтакорларига ёрдам бериш тўғрисида район комсомолларига мурожаатнома қабул қилдилар.** Бу даъватга район марказида яшовчи 120 йигит ва қиз қўшилди.

Хоразм

Шовот районидаги «Ленинград» колхозида истиқомат қилувчи **Рўзимат Худойберганов оиласи 25 гектар пахтазорни пудратга олди.** Ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар гектар ердан 40,5 центнердан ҳосил кўтарилди. Худойбергановлар ҳосилдорликни 60 центнерга етказишни кўзлашяпти.

ҚҚАССР

Пахта йиғим-теримида автоном республиканинг Элликқалъа районидаги **Оржоникидзе номли совхоз деҳқонлари яхши кўрсаткичларга эришяптилар. Соли Иброҳимов етакчилик қилаётган бригада чўлқуварлари районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини уддалади.** Давлатга 155 тонна «оқ олтин» топширилди. Таниберген Утепов бошлиқ бригада заршунослари йиллик топшириқни бажариш арафасида турибди.

Фарғона

Фарғона районидаги **Ленин номли колхоз пахтакорлари областда биринчилар қатори ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишга киришдилар.** Хўжаликнинг Турсун Бойматов, Аҳмадбек Йўлдошев сингари пешқадам механик-ҳайдовчилари юбилей йилида 250 тоннадан «оқ олтин» териш мажбуриятини олишди. Ипатоволиклар, усули асосида ишлаётган Тоҳир Фозилов бошлиқ бригада азаматлари бир кунда 17 процент миқдорида пахта тайёрлашга эришдилар. Бу коллектив йиллик планни беш иш кунида бажаришга қарор қилди.

Чеҳраларида табассум балқиб турган бу чевар теримчилар Жиззах районидаги Жиззах аграр-саноат бирлашмасига қарашли «Зарафшон» совхозида меҳнат қилишади. Хурсандой Калонова (юқоридаги суратда) ва Турсуной Нарзиқуловалар теримнинг дастлабки кунидан бошлаб бир-бирлари билан ўзаро мусобақалашиб ишлашяпти. Улар ҳар куни эл хирмонига 130—140 килограммдан дур топширишмоқда.

Р. Содиқзода фотолари.

Шаҳрисабз районидаги «Ўзбекистон Компартияси XX съезди» совхозининг Абдураҳмон Эшонқулов бошлиқ бригадаси пахтазорларида пахта терими қизғин бораяпти. Бригаданинг 50 нафар чевар теримчилари беллари-га этак боғлаб, лўппи-лўппи очилган пахталарни завқшавқ билан теряптилар Руёб Тўраева, Моҳинбону Абдуллаева, Мастура Мирзаева, Озода Эшонова, Фароғат Исломова Санам Йўлдошева, Оля Ёдгорова каби зарбдор теримчилар кунига 130—150 килограммдан дур териб, хирмонга барака киритмоқдалар.

ТЕРИМЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Чевар теримчилар ҳиммати билан кунига 4 процент миқдорида пахта тайёрланиб, қабул пунктларига пешма-пеш жўнатиляпти. Коллектив заршунослари пахта тайёрлаш йиллик планини 25 сентябрда, социалистик мажбуриятни 5 октябрда бажариш учун ғайрат билан меҳнат қиляптилар.

Шунингдек, совхознинг Қўшша Эргашев, Туроб Мўминов бошлиқ бригадаларида ҳам пахта терими кун сайин қизғин тус оляпти.

А. МУҚИМОВ.

МАЖБУРИЯТ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Хўжаобод районида «Россия» колхозидан республикада хизмат кўрсатган пахтакор Аҳмаджон Турғунов бригадаси социалистик мажбуриятларининг асосий бандида янги рақам пайдо бўлди. Йиғим-терим мавсуми дастлабки кунларининг натижалари 74 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олтмиш центнерлик «оқ олтин» ҳосили етиштирилганлигини кўрсатди. Бу эса планда кўзда тутилганидан ўн беш центнер ортиқдир. Ҳозир бригада далаларида пахтани қўлда териш кенг кўламда олиб борилмоқда. Биринчи терилган пахта уруғлик чигит олиш учун мўлжалланган.

«Оқ олтин» мавсуми қаҳрамонлари орасида моҳир теримчилардан Фароғат Йўлдошева билан Муборак Юсупова ҳам бор. Уларнинг ҳар бири икки минг килограммдан биринчи сорт пахта териб қўйди. Улар мавсум охиригача ўн икки —ўн беш тоннадан пахта териб берадилар.

Бригада пахтани механизмлар билан йиғиб-териб олишга асосий эътиборни қаратиш ниятидадир. Бутун ҳосилнинг саксон процента «зангори кема»ларнинг бункерларидан тўкилади. Пахтанинг тўқсон процентини давлатга олий сорт билан сотишга аҳд қилинди.

(ЎзТАГ).

Қишлоқ ҳақиқати „га жавоб берадилар

«САБЗАВОТ ПЕШТАХТАСИГА ЙЎЛ...»

«Қишлоқ ҳақиқати» ва «Тошкент оқшоми» газеталарининг юқоридаги сарлавҳали рейд материалида (1982 йил, 4 сентябрь) Тошкент шаҳридаги улгуржи-чакана савдо идораларига қарашли магазинларда сотилаётган сабзавот маҳсулотларининг сифати пастлиги, тури камлиги, полиз маҳсулотлари санитария-эпидемиология станцияси лабораториясида текширувдан ўтказилмай сотилаётганлиги танқид қилинган эди.

Рейд материали юзасидан қуйидаги жавоб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕВА-САБЗАВОТ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ:

«Қишлоқ ҳақиқати» ва «Тошкент оқшоми» газеталарида босилган «Сабзавот пештахтасига йўл...» сарлавҳали рейд материалида Тошкент аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда уларнинг тури ҳамда сифати бўйича камчиликлар кўрсатилган эди. Кўрсатилган камчиликлар тўғри деб топилди. Йўл қўйилган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан министрлик томонидан кўрилган тадбирларни редакцияга маълум киламиз.

Олой бозоридаги 1-ихтисослашган магазинининг савдо залн ҳамда ёрдамчи биноларн қайта жиҳозланди. Совутгич қурилмалари ва компрессорларнинг ҳаммаси капитал ремонт қилинди. Қадоқлаш линиялари қурилди. Совуқ сув ўтказилди. Касса аппаратлари ўрнатилди. Иссиқ сув, буғ бериш, канализация ўтказиш ҳақида тегишли ташкилотлар билан келишилмоқда. Магазинга узлуксиз равишда мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришни таъминлаш аниқ бир хўжаликка биркитилди.

Рейд материали ҳамма улгуржи-чакана савдо идораларида магазинлар, базалар, омборлар мудирларининг иштирокида муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш, савдо ишини намунали ташкил қилиш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган савдо хизмати маданиятини оширишни яхшилаш бўйича конкрет тадбирлар белгиланди. Барча келтирилган полиз маҳсулотлари санитария-эпидемиология станцияси лабораториясида текширувдан ўтказилгандан кейин реализация қилинади.

Магазинларда иш кунини маълум бир график асосида узайтириш тўғрисида кўрсатма берилди. Сабзавот комбинатларида сабзавот маҳсулотларини қадоқлайдиган 22 та линия ишга туширилди. Тегишли мутахассислар иштирокида хўжаликларнинг имкониятлари аниқланиб, ҳар куни келтириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг графиги тузилди. Реализация қилинмай қолган, сифати бузилган маҳсулотларни ўз вақтида саноат қайта ишлаш корхонасига этиб бериш тадбирлари белгиланди.

Корхоналарга келтирилган мева-сабзавотларнинг сифати устидан назоратни кучайтириш мақсадида «Ташплодоовощ» бирлашмаси ҳамда районлар улгуржи-чакана савдо идораларининг масъул ходимлари савдо корхоналарига ҳамда базаларига биркитилди.

Тошкентни мева-сабзавот маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш масаласи министрликнинг оператив штабида министр ўринбосарлари ҳамда бошқармаларнинг бошлиқлари ва унга мутасаддн кишиларнинг иштирокида ҳар куни кўриб чиқилади.

Ҳозирги пайтда бир кунда Тошкент аҳолиси учун 800—920 тонна мева-сабзавот, 150 тонна узум, 1000 тоннадан ортиқ пиёз, картошка ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Республика областларидан узумларни ташиб келтириш учун авторефрижираторлар ажратилган.

Барча областлар агросаноат бирлашмаларининг омборхоналарига мева ва узумни сақлаш учун топшириш қизғин бормоқда. Бу маҳсулотлар Тошкент шаҳри аҳолисига қиш палласида етказиб берилади.

О. АЛИМОВ,
Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министри.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

РЕВОЛЮЦИЯ КУНИ

АДДИС-АБЕБА. (ТАСС мухбири). Эфиопия пойтахти байрам либосида. Шаҳар кўчаларига ранг-баранг байроқлар ва меҳнат аҳлини, тинчлик ва социализм кучларининг мустаҳкам бирлигини шарафловчи транспарантлар илинган. Эфиопия халқи ўзининг энг асосий миллий байрами — революция кунини саккизинчи марта кутиб олмоқда.

1974 йил 12 сентябрь куни меҳнаткашларнинг оммавий чиқишларини армия қўллаб-қувватлаши натижасида чириган феодал-монархия режими агдариб ташланди. Революцияга бошчилик қилган муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш (МХМК) мамлакатда социалистик жамият негизларини қуриш йўлини эълон қилди. Унинг раҳбарлигида иқтисодий ва социал соҳаларда бир қанча туб ўзгартишлар амалга оширилди: йирик саноат корхоналари ва банклар давлат ихтиёрига олинди, янги меҳнат қонунлари жорий этилди, аҳолининг сал кам 90 процента қишлоқ хўжалигида машғул бўлган мамлакат учун бу нарса айниқса, муҳим эди. Ўтказилган аграр ислоҳот ерни ишловчиларга олиб берди.

Бироқ халқаро империализм ва аввало Эфиопияни Африкадаги ўз майдони деб ҳамиша ҳисоблаб келган АҚШ ҳукмрон доиралари ўз маглубиятига тоқат қила олмадилар.

Монархияпараст ва сохта революцион гуруҳлар сиймосидаги ички реакция ёш революцияга қарши чиқди, мамлакат шимолидаги Эритрея вилоятида сепаратчи тўдалар ошкора ҳужумга ўтдилар, Шарқда эса Сомали режими Эфиопияга қарши қуролли агрессия бошлади. Мамлакат тинч меҳнатни тўхтатиб, ўз революцион ғалабаларини, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш учун қурол олишга мажбур бўлди. Тўрт йил давом этган қийин ҳаққоний кураш ниҳоят революциянинг тўла ғалабаси билан тугади.

Халқ хўжалигини қайта тиклаш ва юксалтириш масалалари кун тартибига қўйилди. Мамлакатда тараққиёт ва марказий планлаштириш умуммиллий революцион кампанияси авж олиб кетди, шу кампания давомида тугалланган уч босқич мобайнида экономика, фан ва маданият соҳасида каттагина муваффақиятларга эришилди. Қишлоқдаги коллективлаштириш жараёни тинимсиз давом этмоқда, ҳозирги пайтгача мингтага яқин ишлаб чиқариш ва 3500 та матлубот кооператйвни ишлаб турибди. Саноат ишлаб чиқаришнинг жами ҳажми кампания ўтказилган давр ичида 28,2 процент кўпайди.

1979 йилда мамлакатда Эфиопия меҳнаткашлари партияси ташкилот комиссияси тузилди, бу ташкилот марксизм-ленинизм принциплари асосида меҳнаткашларнинг авангард партиясини тузиш ва халқ оммаси орасида кенг сиёсий-тарбиявий иш ўтказиш учун шароит яратиш лозим. Ишлар ва хотин-қизларнинг умуммиллий ташкилотлари ҳам тузилди, бу йил эса Умумэфиопия касаба союзи ва Умумэфиопия деҳқонлар уюшмаси қайтадан ташкил этилди.

Революция пайтида мамлакат аҳолисининг 93 процента ўқиш ва ёзишни билмас эди. Шу сабабли янги ҳокимият жуда қисқа муддат ичида саводсизликни тугатиш вазифасини ўртага қўйди. Кейинги уч йил ичида 11 миллионга яқин киши, яъни катта ёшдаги бутун аҳолининг учдан бир қисми саводсизликни тугатиш курсларини битириб чиқди. Шу соҳадаги жуда катта муваффақиятлар учун яқинда ЮНЕСКО Эфиопия халқаро медаль ва Н. К. Крупская номидаги дипломни беришга қарор қилди.

Ю. ПИЧУГИН.

Исроил вахшийларининг Ливанга қилган қуролли агрессияси оқибатида 10 мингдаб ливанликлар ва фаластинликлар ҳалок бўлди, мингдаб кишилар бедарак йўқолди ва бир миллион киши бошпанасиз қолди.

СУРАТДА: ливанлик қочоқлар.

АП-ТАСС телефотоси.

САЛЬВАДОРДАГИ АҲВОЛ

САН-ХОСЕ, 13 сентябрь. (ТАСС). Рейган маъмуриятининг ғўё Сальвадорда инсон ҳуқуқлари соҳасида «силжишга» эришилганлиги тўғрисидаги сурбетларча даъволарига қарамай, мазкур мамлакатда сиёсий террор бир кун ҳам тўхтамаётир. Шанба куни эрталаб Сан-Сальвадордан халқаро аэропортга олиб борадиган йўлда қийнаб азобланган ва ўқ тегиб ярадор бўлган еттита жасад топилди. Улардан тўртасининг боши олиб ташланган эди. Кундузи пойтахт атрофида қонли режим қурбони бўлган азоблаб ўлдирилган яна бешта жасад топилди. Сальвадор инсон ҳуқуқлари комиссиясининг маълумотларига кўра шу йилнинг олти ойи давомидагина Сальвадорда сиёсий айблар билан 3 мингдан кўпроқ киши ўлдирилди. Сан-Сальвадор архиепископи Артуро Гивера-И-Дамас якшанба кунги ибодат вақтида жазо армиясини ва маъмурларнинг кўрсатмаси билан ҳаракат қилаётган ярим яширин иш кўраётган фашист газандаларни шундай қотилликда айблади.

Бироқ америкапараст режим халқнинг озодлик ва демократия учун кучайиб бораётган курашини ҳеч қандай жазо чоралари билан тўхтатиб қолишга муваффақ бўлаолмаяпти. Сальвадордан олинган хабарларга кўра кейинги кунларда Фарабундо Марти номли Миллий озодлик фронти қўзғолончилари бир қанча муваффақиятли жанг операциялари ўтказдилар ва мамлакатнинг турли районларида душманга катта зарбалар бердилар.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

САН-ФРАНЦИСКО, 13 сентябрь. (ТАСС мухбири). Сан-Франциско «АҚШ ва Исроил ҳукуматларининг қўли «Фаластинлик ва ливанлик болаларнинг қонига бўялган» деган шиор остида жамоатчиликнинг оммавий норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойиш охирида шаҳарнинг марказий майдонида митинг ўтказилди. «29 ноябрь Коалицияси (БМТ 29 ноябрни Фаластин халқи билан халқаро бирдамлик куни деб эълон қилган) ташаббуси билан ўтказилган намойиш қатнашчилари Исроилнинг барча қўшинлари дарҳол Ливан территориясидан ва босиб олинган бошқа Араб ерларидан олиб чиқиб кетилишини, сионист агрессорларга Америка қурол-яроғлари етказиб берилишига чек қўйилишини, фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқлари, жумладан, мустақил суверен давлат тузиш ҳуқуқи қондирилишини талаб қилдилар. Намойишчилар президент Р. Рейганнинг «Янги Яқин Шарқ сиёсати» фош этилган резолюцияни қабул қилдилар. Бу сиёсат, деб таъкидланади ҳужжатда, чинакам мустақиллик ва социал тараққиёт учун кураш олиб бораётган фаластинлик, ливанлик ва бошқа араб халқларининг муддаоларига зид бўлганлиги учун на янги ва унинг устига на тинчлик сиёсати ҳам эмас.

Рейганнинг плани Кэмп-Дэвид стратегиясини давом эттиради. АҚШ бу стратегияга кўра Исроил ва Араб реакциясининг тил бириктиришига таяниб Яқин Шарқда ўзининг ҳукмронлигини ўрнатишга урнмоқда.

Б. ИВАНОВ,
В. ЧЕРНИШЕВ.

ЯНГИ НАЦИЗМГА ҚАРШИ ҲАРАКАТ КУНИ

ЭЙЗЕНШТАДТ, 13 сентябрь. (ТАСС). Бургенланд ўлкасининг маъмурий маркази —Эйзенштадтнинг марказий кўчаларида янги нацизм ҳавфига қарши шафқатсиз курашга даъват этувчи Қизил байроқлар ва шиорлар илинган. Бу ерда янги нацизмга қарши ҳаракат куни ўтказилди. Эйзенштадтга Австриянинг барча вилоятларидан тўрт мингдан ортиқ антифашист ва собиқ қаршилик ҳаракати курашчилари келишди. Улар кейинги вақтда мамлакатда ўнгларнинг ҳуружлари кўпайганлигига қарши қудратли норозилик намойишини ўтказиш учун бу ерга келдилар. Ўнглар сўнгги ой давомида Венада ва Зальцбургда бир неча марта бомба портлатдилар. Австрия пойтахтида антифашистларга ўрнатилган ҳайкални бузиб ташладилар.

Эйзенштадтда ашаддий ўнг унсурларнинг безорилиги айниқса кенг қулоч ёзганлиги сабабли мазкур шаҳар фашизмга қарши намойиш ўтказиладиган жой деб танланди: ўнглар 3 октябрда Бургенланд Лантаги (ўлка парламенти)га бўладиган сайловга ўз номзодларини кўрсатдилар. Антифашистлар ашаддий ўнгларнинг вакиллари ўлка парламентига сайланишига йўл қўймасликни маъмурлардан талаб қилдилар.

Антифашистлар митингга кўтариб келган транспарантларнинг бирида: «Фашист жаллодлар, сизларнинг қилмишларингизни унутганимиз йўқ ва сизларни кечирмаймиз!» деган сўзлар ёзилган эди. Тушдан кейин шаҳарнинг бош майдонида митинг бўлиб ўтди. Митингда сўзга чиққан нотиқлар турли партиялар ва демократик ташкилотларнинг намояндалари барча австрияликларга мурожаат қилиб, фашизмнинг қайта тикланишига қарши сергак бўлиб туришга даъват этдилар.

«ИСРОИЛ, ЛИВАНДАН ЖЎНАБ ҚОЛ!»

ВАШИНГТОН. АҚШ пойтахтида Америка жамоатчилигининг Тел-Авивнинг Яқин Шарқдаги агрессив сиёсатида ва сионист босқинчиларнинг Ливандаги қонли жиноятларида расмий Вашингтоннинг иштирок этаётганлигига қарши қудратли норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишда АҚШнинг 50 дан ортиқ шаҳридан турли ташкилотларнинг урушга қарши, ёшлар, хотин-қизлар, диний ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек Америкадаги Араб аҳолиси ва қаҳрамон Фаластин халқи намояндалари иштирок этдилар.

Эрта тонгданоқ Франклин — сквер майдони юзлаб кишилар билан тўлиб кетди. Улар «Яқин Шарқда Америка аралашувига чек қўйилсин», «Исроил — Ливандан жўнаб қол», «Яшасин Фаластин халқининг адолатли кураши» деган сўзлар ёзилган плакатларни кўтариб олган эдилар.

Шундан кейин Оқ уй яқинида бўлиб ўтган митингда нотиқлар Вашингтон Тель-Авивнинг босқинчилик сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлигини якдиллик билан қораладилар. Нутқларда АҚШнинг Яқин Шарқдаги агрессия сиёсати регионда мустаҳкам тинчликка эришиш йўлидаги асосий ғов эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Н. ТЕТЕРИН.
(ТАСС).

Республикамиз пойтахтида кўтаринки руҳ билан бошланган «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ санъат фестивали давом этмоқда. Қардош республикалар катта санъатининг вакиллари областларга жўнаб кетишди. Бир неча кун давомида «оқ олтин» нжодкорлари, боғбонлар ва соҳибкорлар, шоликорлар ва чорвадорлар, қурувчилар ва знёлнлар ҳузурида бўлишиб, уларни ўз санъатларидан баҳраманд этишади.

Мухбиримиз санъат фестивали қатнашчиларининг айримлари билан учрашиб, бу байрамнинг мазмуни, ўзларида қолдираётган таассуротлар ҳақида суҳбатлашди.

ДЎСТЛИК ҚУШИҚЛАРИ ЯНГРАМОҚДА

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

С. ГАЛСТЬЯН,

Арманистон ССР Давлат рақс ансамблининг директори.

Гулла-яшна Тошкент — Шарқ юлдузи, Дўстлик ва қардошлик пойтахти.

Ҳа, республикамиз пойтахти шаънига ана шундай қалб сўзлари мужассамлашган қўшиқ қуйланади. Тошкент аллақачонлар халқлар дўстлиги ва қардошлиги шаҳрига айланган. Бу ерда ўтказилаётган Халқаро кинофестивалларг, адабиёт, маданият ва санъат намоندаларининг учрашувлари катта шуҳрат қозонди. Шу боисдан ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ санъат фестивалининг Тошкентда ўтказилиши бизларни беҳад хурсанд қилди.

Коллективимиз санъат байрамига рус, украин, литва, молдаван, грузин, арман халқ рақсларидан иборат ранг-баранг программани олиб келдик. Шуниси эътиборга лойиқки, ана шу рақсларни сақналаштириш учун биз турли республикалардан таниқли балетмейстерларни таклиф этдик. Умуман коллектив рақсларини сақналаштиришга СССР халқ артисти, балетмейстер Вануш Ханамирян раҳбарлик қилди. Бизни Орол ўлкаси меҳнаткашлари жуда катта шод-хуррамлик билан кутиб олдилар. Бир неча кун давомида олиб келган рақс гулдастамиздан Қорақалпоғистон Автоном республикаси меҳнаткашлари баҳраманд бўладилар.

Мен яна бир қувончли гапни айтмоқчиман. Бутуниттифоқ санъат фестивали тугагач, биз яна қуёшли диёрингизга гастролга келамиз. Ана ўшанда республикангиз шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, меҳнаткаш халқингиз, латофатга бой ўлкангиз билан яқиндан танишамиз.

РАҚСЛАРИМИЗ СИЗЛАРГА

К. МАДЕМИЛОВА,

Қирғизистон ССР Давлат рақс ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери

Кўм-кўк далалар, чўққиларида оппоқ қор ярақлаб турган тоғлар, ўйноқи дарёлар, Иссиққўлнинг бетакрор табиати — буларнинг ҳаммаси бизнинг республикамиз, бизнинг Қирғизистон тимсолидир. Ана шу гўзалликлар, халқ бойлиги қирғиз халқ рақсларида тўла мужассамлашган.

Қирғизлар узоқ замонлардан рақсга тушганлар. Бироқ кўчманчилик ташвиш ва уқубатлари туфайли халқ рақсларининг кўпи эсдан чиқиб, унутилган эди. Совет ҳокимияти йилларида қирғиз халқи рақс санъати бойликларини йиғиш ва қайта тиклашга астойдил киришилди. Ана шу эзгу ишда бизнинг, республикадаги биринчи халқ рақслари профессионал коллективимиз хизматлари катта бўлди.

Ўзининг 16 йиллик фаолияти давомида коллективимиз ўз санъати билан фақат Қирғизистоннинг энг олис қишлоқлари меҳнаткашларини эмас, кардош республикалар, чет мамлакатлар томошабиларини ҳам баҳраманд этди. Халқ миллий рақси ижрочиларини Латвияда, Тожикистонда, Молдавияда, Туркманистонда, шунингдек, Финляндия ва Швецияда, Бельгия ва бошқа қатор мамлакатларда самимий кутиб олишди. «Тошкентнинг олтин кузи» Бутуниттифоқ фестивалига биз қирғиз халқ рақслари билан бир қаторда қардош республикалар ва чет мамлакатлар халқлари рақсларини ҳам олиб келдик.

«Ола-Тов» рақс сюитамиз ва бошқа рақсларимиз ўзбекистонлик томошабиларни халқ хореографияси, халқ музикаси, қирғиз халқи қалб ҳаяжонларини рақслар орқали намойиш этиш йўлида қанчалик ишланаётганимиз ва нималарга эришганимиз билан таништиради.

Биз олиб келган рақслар гулдастаси жанубдаги қўшнимиз — Наманган области меҳнаткашларида катта қизиқиш уйғотади, деган ниятдамиз. Бутуниттифоқ санъат фестивали программасида бизнинг зиммамизга ана шу область меҳнаткашлари ҳузурида бўлиш масъулияти тушган.

Ана шундай катта санъат байрами ўтказилиши ҳар биримизнинг қалбларимизни ҳаяжонга солди. Фестиваль кунлари фақат ўз санъатимиз ва маҳоратимизни намойиш этишгина қолмасдан, қардош республикалардан келган дўстларимиз, касбдошларимиз билан дийдор кўришиш бахтига муяссар бўлдик. Шубҳасиз, бу учрашувлар кўпмиллатли мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлашга, маданиятларимиз алоқаларини яқинлаштиришга хизмат қилади.

Республикамиз пойтахтида артисткаси Зайнаб Хонларова ва Эстония Давлат филармонияси камер хор ансамбли солистларининг чиқиши.

С. Маҳкамов ва Л. Гусейнов фотолари.

Суратларда: СССР халқ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТГЎЙИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг илмий-ишлаб чиқариш журнали **«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана»** нашри мана олтмиш йилдирки, қишлоқ меҳнаткашларининг, даставвал қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини янада оширишга проблемаларини ҳал қилиш билан бевосита банд бўлган ходимларнинг яқин дўсти, маслаҳатгўйи бўлиб келмоқда. Унинг саҳифаларида ленинча аграр сиёсат, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигига доир қарорлари изчил пропаганда қилинади, шу қарорлар қандай бажарилаётгани, илғор иш тажрибаси, етилган проблемалар ёритиб борилади. Ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинадиган тавсияларнинг аксарияти илмий асосланган бўлади. Журнал илмий-ишлаб чиқариш йўналишига эга бўлганлиги учун унинг саҳифаларида республикамиз, Ватанимиз ва чет эл аграр фанининг энг сўнгги ютуқлари ўз аксини топади.

Журнал ҳар доим партия аграр сиёсати ва фан-техника тараққиётининг актив тарғиботчиси бўлишдек ўзининг шонли анъанасига қатъий амал қилмоқда. КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари журналнинг бу соҳадаги фаолиятига янада чуқур мазмун бахш этди. Зотан, республикамиз қишлоқ меҳнаткашлари бу тарихий Пленум қарорларини, СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига муносиб меҳнат совғаси ҳозирлаш учун сабот билан ишламоқдалар.

Журнал редакцияси коллективи партия-совет матбуоти той ижодий арсеналидан фойдаланиб, ўз материаллари билан ўн биринчи беш йиллик вазифаларини бажаришда қишлоқ меҳнаткашларига актив кўмаклашаётир.

Беш йиллининг учинчи йилида журнал олдида янада масъулиятли вазифалар турибди. КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларининг амалга оширилишини бундан буён ҳам изчиллик билан чуқур ёритиш, тарғиб қилиш редакциянинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Журнал редакциясида бу хусусда махсус тематик планлар ишлаб чиқилган ва улар изчил амалга оширилаётир. Ижодий коллективнинг бирдан-бир мақсади партия, совет, хўжалик органларига ташкилий ва сиёсий ишлар савиясини оширишда, илғор иш методларини ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштиришда яқиндан кўмаклашишдан иборат. Шу муносабат билан журналда «КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорлари — ҳаётга!», «Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўллари», «Озиқ-овқат программасининг бўғинлари», «Хўжалик шахсий — фойдаси умумий», «Гўшт етиштиришнинг интенсив методларига — кенг йўл», «Суғориладиган майдонлардан тўлиқ фойдаланайлик», «Проблемага олимлар нуқтаи назаридан қараганда» каби рубрикалар остида ранг-баранг материаллар мунтазам бериб борилади. Уларда Озиқ-овқат программасига мувофиқ, республикада агросаноат комплексини ривожлантириш тажрибаси ва бу борадаги проблемалар ёритилади.

Журнал саҳифаларидан республикадаги энг яхши агросаноат бирлашмаларининг, колхоз ва совхозларнинг иш тажрибалари, илмий тавсияларнинг жорий қилиниши, ерлар, ишлаб чиқариш фондлари, моддий, молия ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар ўрин олади. Пахтадан эртаги ҳосил олиш (Тошкент технологияси), ғўзанинг серҳосил, вилтга чидамли, тезпишар, юқори сифатли тола берадиган навларини яратиш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашда биологик методларнинг афзалликлари масалалари журналнинг диққат марказида бўлади.

Ҳозир ҳамма жойда вақтли матбуотга обуна қилиш қизғин давом этмоқда. Республикамиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига доир фан янгиликлари ва қашфиётлардан, пешқадам хўжаликларнинг илғор тажрибасидан доимо хабардор бўлиб, уларни амалда қўллаш имконига эга бўлиш учун «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» — «Сельское хозяйство Узбекистана» журналига ўз вақтида обуна бўлинг. Журналнинг йиллик обуна баҳоси: 4 сўм 80 тийин. Обуна «Союзпечать»нинг барча агентликларида шу йилнинг 15 ноябригача қабул қилинади.

ИЖОДИЙ КЕЧА

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигига қарашли республика музика мактаби ўлкамизнинг турли район ва шаҳарларига ҳар йили кўплаб кадрлар етказиб беради.

Бу ерда ўқувчиларга дарс бериш билан бир қаторда ижодий кеча ва конференциялар ҳам ўтказиб турилади.

Куни кеча музика мактабида қўшиқчи шоир Пўлат Мўмин ва ёзувчи Б. Тихомиловлар билан учрашув бўлди. Шунингдек, болалар адабиёти ва китоблари кўргазмаси ҳам очилди. Кеча оҳирида Пўлат Мўмин шеърларига басталанган қўшиқлар ижро этилди.

А. НОСИРОВА.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Қишлоқ ҳақиқати ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида ҳамда муассаса ва турар-жойларда, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Республиканинг қишлоқ жойларида обуна чекланмаган ҳолда ўтказилади.

Обуна баҳоси бир йилга — 7 сўм 80 тийин.

Обуна бўлиш ва матбуотни вақтида етказиб бериш юзасидан барча саволлар бўйича газета редакциясига, унинг жойлардаги мухбирларига, шунингдек, «Союзпечать» агентликларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ҲАР БИР ХОНАДОН— КИТОБХОН

Китобсеварлар кўнгилли жамиятининг Фарғона области ташкилоти адабиётлар пропагандаси ва уни тарқатиш юзасидан катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ жойларда китобхонлар сафини кенгайтириб, кутубхоналар фондини бойитиш, ҳар бир хонадонга янги адабиётларнинг етиб боришига алоҳида эътибор бериляпти. Бу борада район, колхоз ва совхозларнинг кутубхоналари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар яхши самара беряпти. Қишлоқ жойлардаги жамоатчи китоб тарқатувчилар ва китобсеварлар жамиятининг аъзолари бу борада бизга яхши ёрдам беришяпти. Уларнинг кучи билан ижтимоий-сиёсий ва илмий-техникавий адабиётларни пропаганда қилишда қатор ишларни амалга оширдик.

Областда қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида ижтимоий-сиёсий ва ёшларга мўлжалланган адабиётларни пропаганда қилиш ва тарқатиш бўйича кўрик ўтказилди. Шунингдек, область маданият бўлими ва қишлоқ хўжалик бошқармаси билан ҳамкорликда область китобсеварлар ташкилоти «Китоб—оммага» шиори остида район, колхоз ва совхоз кутубхоналарининг кўригини ташкил этди. СССРнинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган кутубхоналар кўриги ҳам яхши самара берди. Шу ўринда Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романига бағишлаб Қува район кутубхонасида ўтказилган китобхонлар конференциясини алоҳида таъкидлаш лозим. Китоб пропагандаси замирида ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, областимизда яшаётган ижодкорлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Районда «Улуғ Октябрь ва Ўзбекистон» деб номланган оғзаки журнал доимий амал қилади. Кутубхонада КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди материалларидан ташкил этилган виставка ҳам конференция қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Областнинг Киров, Риштон, Олтиариқ ва бошқа районларида ҳам ана шундай тадбирлар ўтказилди. Қишлоқларда ижтимоий-сиёсий, илмий-техникавий, бадиий ва болалар адабиёти пропагандасига бағишлаб «Ҳар бир хонадон китобхон бўлсин» шиори билан ўтказилган махсус тадбирларнинг таъсирчанлигини оширишда кўнгилли китобсеварлар жамиятининг қишлоқдаги бошланғич ташкилотлари актив фаолият кўрсатяпти. Айни пайтда областимизда 554 бошланғич ташкилотни бирлаштирган кўнгилли китобсеварлар жамиятининг 13 район ташкилоти амал қилмоқда. Уларнинг ташаббуси билан 39 китобсеварлар клуби, 160 жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхоналар, 138 китоб магазини ва киоскалар ташкил этилди. Областимиздаги жамоатчи китоб тарқатувчилар сони 2 минг кишига яқинлашиб қолди. Аҳоли жон бошига китоб сотиш йил сайин ошмоқда. Буни ўтган йили фарғоналик кутубхоначилар қишлоқ хонадонларини китоб билан таъминлашда республикада биринчи ўринни олганлиги мисолида кўриш ҳам бўлади.

Биз китоб пропагандасини яхшилаш, ҳар бир хонадоннинг китобхон бўлишига эришиш учун даҳлдор ташкилотлар билан биргаликда китоб ойлиги ва ҳафталикларини ташкил этаяпмиз. Бу тадбирнинг амалга оширилишида Улуғ Ватан уруши, партия ва меҳнат ветеранлари, ёзувчи ва шоирлар бизга яқиндан ёрдам беришади. Йирик корхоналар, колхоз ва совхозларда ташкил этилган китоб байрамида сўз усталари — шоирлар, ёзувчилар, ноширлар ҳам иштирок этишади. Қизиқарли адабий кечалар, ўқувчилар конференциялари ўтказилади.

Дала ишлари қизғин тус олган ва йиғим-терим палласида кўнгилли китобсеварлар жамияти активистлари дала шийпонларида китоб виставкалари, жамоатчилик асосида ишлайдиган кутубхоналар ташкил этиш учун хўжаликларга боришади ва китобхонлар билан уларни қизиқтирган мавзуларда суҳбатлар уюштирадилар. Марғилон шаҳар китобсеварлар жамияти Оҳунбобоев райони колхоз ва совхозлари дала шийпонлари учун кутубхоналар ташкил этаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада китобсеварлар Қўқон шаҳри жамияти аъзоларининг иши ҳам мақтовга лойиқдир.

Энг яхши китобсеварлар жамияти ҳақида гап борганда Фарғона қишлоқ хўжалик техникуми бошланғич ташкилоти фаолиятини мисолга келтирмоқчимиз. Бу ерда тез-тез шеърият кечаси, ўқувчилар конференцияси, ёзувчилар билан учрашувлар уюштириб турилади. Ҳар бир поэзия кечасига шеърлари ўқиладиган шоирларнинг китоблари район кутубхонасидан келтирилиб, алоҳида кўргазма ташкил этилади. Бу ишда студентларга китобсеварлар жамияти район ташкилоти яқиндан ёрдам беради. Кейинги йилларда Уйғун, Туроб Тўла, Асқад Мухтор, Қуддус Муҳаммадий, Ўткир Рашид, Йўлдош Сулаймон ва бошқа адиблар студентлар меҳмони бўлишди. Адабиёт пропагандасини намунали ташкил этганлиги учун кўнгилли китобсеварлар жамиятининг ушбу бошланғич ташкилоти область китобсеварлар жамиятининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Китобсеварларнинг Ёзёвон районида ташкил этилган «Умид» клуби намунали ишламоқда. Клубда янги адабиётлардан тематик кўргазмалар, ёзувчи ва шоирларнинг юбилейларига бағишланган виставкалар ташкил этилади, айрим китоблар юзасидан суҳбатлар, ёзувчилар билан учрашувлар уюштирилади. Киров, Ўзбекистон, Ленинград, Тошлоқ, Риштон районларида ҳам китобсеварлар жамияти бошланғич ташкилотларининг фаолиятини активлаштириш юзасидан қатор ташкилий ишлар амалга оширилди.

Шу кунларда ҳамма жойда СССР ташкил этилган кунинг 60 йиллик юбилейига катта ҳозирлик кўрилмоқда. Кўнгилли китобсеварлар жамияти Фарғона область бўлими ва унинг жойлардаги ташкилотлари ҳам ана шу қутлуғ санага бағишлаб турли тадбирларни ўтказмоқда. «Биз — совет халқи!» мавзуида ўтказилган область конференцияси, «СССР — менинг Ватаним», «Ҳур республикалар бузилмас Иттифоқи», «Ленинча миллий сиёсат тантанаси» ва бошқа мавзуларда ўтказилаётган тематик кечалар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ва бошқа тадбирларнинг мазмунли, кенг китобхонлар иштирокида қизиқарли ўтишини таъминлаш учун жамоатчи китобхонлар жон куйдирмоқдалар.

Мақсадимиз—область меҳнаткашларининг билимлар манбаи бўлган китобдан баҳраманд бўлишларига ёрдам бериш, маънавий озуқа олишларига кўмаклашиш. Айниқса, пахта йиғим-терими авж олаётган шу кунларда ташкилотларимиз зиммасидаги масъулият яна ҳам ортди. Далада ишлаётганларга маданий хизмат кўрсатиш, ҳар бир шийпонда жамоатчилик асосида ишлайдиган ва кўчма кутубхоналар ташкил этиш бизнинг шу кундаги биринчи даражали вазифамиздир.

И. ТЎХТАСИНОВ,
китобсеварлар кўнгилли жамияти Фарғона область правлениесининг ранси.

СПОРТ

ФУТБОЛ

ОЛИЙ ЛИГАДА

Ўтган шанба ва якшанба кунлари СССР чемпионатининг олий лигаси иштирокчилари навбатдаги учрашувларда куч синашдилар. Мазкур матчлар ҳам жанговар тарзда ўтиб, томошабинларда яхши таассурот қолдирди. Лекин «Пахтакор» ва «Қайрат» командалари ўйини бундан истисно бўлди, десак янглишмаган бўламиз.

Маълумки, бу коллективлар ўртасидаги учрашувлар доимо кескин ва жанговар бўлган. Афсуски, навбатдаги матч давомида майдонда ҳаракат қилган ўйинчиларнинг аксарияти қўполлик қилишди. Натижада (танаффусдан сўнг) учрашув ҳаками ўзаро муштлашишгача ҳам борган Бондаренко ва Гладилинларни майдондан чиқариб юборди. Шундан кейин меҳмонларнинг яна икки ўйинчиси огоҳлантириш олди.

Албатта, футболчиларнинг бундай номуносиб ҳаракати ўйинга таъсир этмай қолмади. Пахтакорчилар биринчи бўлимда Амриев жароҳатланиб, ўйинни тарк этгандан сўнг (унинг ўрнига Жилкин тушди) асосан майдон марказидан ҳужум уюштирдилар. Лекин меҳмонлар ҳимоячиларининг аниқ ҳаракати туфайли муваффақиятга эриша олишмади. Фурсат бўлди дегунча олмаоталиклар ҳам қарши ҳужумга ўтиб туришди. Бундай пайтларда командамиз ҳимоячилари бехато ўйнашди. Шундай қилиб, эски рақиблар ўртасидаги бу сафарги матчда дарвозалар даҳлсиз қолди.

Турдан турга жадвалда ўз мавқеини яхшилаб бораётган Киевнинг «Динамо» командаси футболчилари бу сафар йирик ҳисобда ғалаба қозонишди. Улар ўз майдонларида жадвалнинг сўнгги погонасини эгаллаб турган Донецкнинг «Шахтёр» коллективини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Тбилисининг «Динамо» клуби ҳам навбатдаги ғалабани қўлга киритди. Грузин футболчилари Днепропетровскнинг «Днепр» командасини қабул қилдилар. Учрашувни ташаббускорликда ўтказган майдон эгалари 3:1 ҳисобида устун келишди.

Биринчилик пешқадами — Минскнинг «Динамо» футболчилари бу сафар мухлисларини ранжитиб қўйишди. Динамочилар олдинги турда ЦСКА клуби билан бўлган ўйинда бир очко йўқотишган эди. Москванинг «Торпедо» командасига эса икки очкони бой беришди. Мазкур ўйин тақдирини торпедочи Жупиков киритган ягона тўп ҳал қилди.

Москвада маҳаллий «Динамо» ва Бокунинг «Нефтчи» коллективлари ўртасида бўлган учрашув ҳам қизиқарли ўтди. Бунда меҳмонларга нисбатан ташаббускорликда тўп сурган москвиклар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. ЦСКА клуби эса Ленинградда маҳаллий «Зенит» командаси билан бўлган ўйинни ўз фойдасига якунлади — 2:1.

«Арарат» (Ереван) ва «Металлист» (Харьков) коллективлари ўртасидаги учрашув натижасиз тугади. Одессанинг «Черноморец» командаси Краснодарнинг «Кубань» футболчиларини мағлубиятга учратди — 1:0. Турнир жадвали эса қуйидагича манзара олди.

		Ў	Т	О
«Динамо»	Тб	24	43-33	32
«Динамо»	Мн	23	38-23	32
«Спартак»		24	40-21	31
«Арарат»		25	34-34	28
«Динамо»	К	22	35-17	27
«Металлист»		25	28-24	27
«Черноморец»		24	22-20	26
«Днепр»		25	29-32	25
«Зенит»		24	30-28	24
«Пахтакор»		24	29-31	24
«Динамо»	М	25	31-33	23
«Торпедо»	М	24	23-27	21
«Кубань»		24	27-32	21
«Нефтчи»		24	32-46	20
ЦСКА		25	29-37	20
«Қайрат»		24	25-35	19
«Торпедо»	Кт	24	30-39	17
«Шахтёр»		24	26-39	17

«Пахтакор» командаси навбатдаги учрашувни 19 сентябрь куни Москванинг «Спартак» коллективи билан ўтказади.

Редактор
И. СУЛАЙМОНОВ.

Телевидение

ЧОРШАНБА

15 СЕНТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Бир қоп олма», «Хўтикча қандай қилиб бахтини излади», «Комар Комарович ҳақида эртак» Мультфильмлар.
10.20 «Ер планетасидаги одам». Бадиий фильм.
11.50 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик —ҳар биримизнинг ишимиз». «Нима эксанг, шуни оласан». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
16.10 Совет тасвирий санъатида тарихий-революцион мавзу.
16.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
17.25 «Объектив».
18.00 Халқ қуйлари.
18.15 М. Танк поэзияси.
18.50 «Мушук — балиқ овловчи», «Митти эртаклар». Мультфильмлар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Рус Шимолининг қўшиклари».
20.00 «Муаммолар — изланишлар — ечимлар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Динамо» (Тбилиси) — «Наполи» (Италия). 2-тайм. Тбилисидан олиб кўрсатилади.
22.45 «Дунё воқеалари».
23.00 Футбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун. 1/16 финал. «Торпедо» (Москва) — «Бавария» (ГФР). 2-тайм. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
23.45 Гитарачи Отто де ла Роча концерти (Никарагуа).

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Жануб» операцияси». Телевизион ҳужжатли фильм. «Қишлоқ қиссалари» туркумидан. 1-фильм.
19.45 «Ҳамдўстлик» телевизион журнали.
20.10 «Духовой оркестр чалади». Телевизион кўрик-конкурс.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Доктор Боткин». Илмий-оммабоп фильм.
21.00 УССРда хизмат кўрсатган «Запорожец» ҳаваскорлик рақс ансамблининг чиқиши. Запорожьедан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 «Тугалланмаган дарс». Телевизион бадиий фильм. 1-серия

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Кўзойнак таққан бола». Болалар учун телевизион бадиий фильм (рус.).
12.15 Ҳужжатли фильм.
12.30 Рус адабиёти. Горький ва Узбекистон (рус.).
13.00 «Мафтункор бахт юлдузи». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Қоплон учун уй». Мультфильм.
18.15 Болалар учун концерт (такрорий).
18.45 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
19.30 «Ахборот» (рус).

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
1983 йил учун
газета ва журналларга
гражданлардан
ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «Союзпечать» агентликларида, алоқа бўлимларида ва иш ҳамда ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

«ҚИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-28. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р.— 07420. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1113. 14